

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1990 йил 25 октябрь, пайшанба №244-245 (7. 333 -7. 334) Ваҳаси 4 тини.

Тонгги рўзномаларда
○ Москвада касба уюшмаларининг съезди ўзининг давом эттирилди. Бугун тонгги рўзномаларда «Ингилдаш — касба уюшмаси ҳаракатининг мақсади» сарлаҳаси остида ССЖИ касба уюшмаларининг XIX съездида ВЦСПС маърузаси, ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Рамси Н. И. Рижковнинг нутқи ҳамда музокара-ларда сўзга чиққан нотиқларнинг нутқлари берилган.
○ ССЖИ Олий Кенгашининг давом этаётган сессияси ҳақида расмий хабар, мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.

СЕРГЕЛИ УЙЛАРИ

БУНДАН бир йили аввал Сергели райо-ни ҳудудига «Сергели-7», «Сергели-8» даҳалари қурилиши бошланган вақтда «Бу даҳалар қачон қурилиб, қачон битиди», деган фикр ҳайлимдан ўтганди. Лекин даҳалар қиё-фаси тезда ўзгарди. Қурувчилар гайрати билан қатор бинолар қад кўтарди. Бугунги кун-да «Сергели-8» мавзёдаги биноларда кўп-лаб оила-лар яшашмоқда. «Сергели-7» даҳасида эса сўнгги бинолар қад кўтармоқда.

Қурилиш иши биргина бўвдиорларга ёни-улар ишлаётган бригадга боғлиқ эмас. Бу иш-нинг улуғлиги вакиллари қиёбасан хато қил-маган бўлмасин. Занирининг ҳар бир бўла-ги эса ўзига хос хусусиятга эга. Ана шулардан бири тикловчилар участкасидир. Шу участ-канинг бошлиғи Садриддин Ҳаёловнингдан биз билан бўлган суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Участкамиздаги ишларни жуда яхши деяр олмайман. Лекин шундай бўлса даҳа-ни ўз вақтида қуриб битказишга ҳаракат қи-ляимиз. Чунки одамлар биз топширадиган би-ноларни интиқлик билан кўришмоқда. Ҳозир бу ерда 1-ўйсозлик комбинатида қарий 2-қурилиш бошқармасининг тўртта монтажи-лар бригадаси, битта сувоқчилар бригадаси, жами 80 киши меҳнат қилямоқда. Улар ҳе-сан айни кунда 6-ўйнинг 7 қаватида, 81-ўйнинг 3-қаватида ишляпти. 59-ўй эса, эрта-нидин пардозловчилар ихтиёрига топширилади.

— Яна бир қувончлиқ нарсашундаки, кун-кеча «Сергели-7» даҳасидаги 58, 78, 79, 80-ўйлар давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилинди. Ҳозир бу уйларга оила-лар кўчириляпти.

— Садриддин, айтгинчи, қурилишда си-ларни қийнаётган муаммолар нималардан иборат?

— Ишимиздаги энг биринчи муаммо хом ашёлар танқислиги. Масалан, биз, 1-Йирик панелли ўйсозлик материаллари заводидан панел олишимиз керак, лекин улар ўз вақти-да етказиб беришмайди. Қуриляётган уйлар учун бетон жуда зарур. 6-Тумир-бетон бу-марти заводидан бир кунда бир бригада ҳе-р бўлмаганда бир машина бетон олиши керак. Уш ҳам етиб келмайди. Нанг айтгинчи бу-нда широнга қайтиб қурувчи ишляпти. Агар юқоридagi муаммолар бўлмаганда 2-5,3 ой мобайнида топширатган уйлариимиз 1—2 ойга қолдирмай топширсақ бўларди. Шунга қарамай қурувчилар гайрат билан ишляп-ляпти. Масалан, қранчилар Виктор Носов, Ни-колай Прокудин, бригадирлар Маҳмуд Шоман-суров, Сергей Роҳманов, сувоқчилар Акмал Алимов, Надя Орленко, Исак Ҳасанов, тик-ловчилар Олег Пой, Волода Хамин, пайван-довчилар Анвар Амиров, Ортиқали Усмонов ва яна бошқаларнинг ибратли ишларини ай-тиб ўттиш мумкин.

Г. МАМБЕТОВА.



ЎАВАСИНГИЗ КЕЛАДИ

ЧИНДАН ҳам ушбу суратда Сизга майин табассум билан боқиб турган бу ўғлонларнинг иши билан таъинсангиз, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатидан ошно бўлсангиз албатта уларга ҳавасингиз ортади. «Аҳлилингизга, қўлингизга бериб ягона мақсад йўлида қийнаётган меҳнатингизга белим» дейсиз.

Битта бригада. Шу бригаданинг ўзида тўрт йилпатга мансуб йигитларнинг аҳил-пайванд бўлиб ишлаётгани ҳар қандай таҳсинга лойиқ эмасми! Дарҳақиқат, Тошкент шаҳар қури-лиши бош бошқармасига қарашли автомобиллари таш-мирдан чиқариш корхонасининг Эркин Аҳмедов бош бўлган брига-дасида ушбу суратда чапдан тасвир туширилган Хусан Гил-лаев, татар йигити Дамир Уразаев, рус Вячеслав Вебрицев, ўзбек йигити, ҳали юқорда таякдлаб ўтганимиздек бригада сарқори Эркин Аҳмедов, урани Александр Онопренко, рус Сергей Шаркваларнинг бажаратган ишларидан корхона жамоаси мамнун.

— Қўлга киритаятган ютуқларимизнинг бош омили бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатдир, — дейди бригада етак-чиси Эркин Аҳмедов. — Дарҳақиқат, қаерда аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бўлса уш ерда ютуқлар ҳам кўп бўлар экан. Бунга биз ўз иш фаолиятимизда кўп бор ишонч ҳосил қилганимиз...

Бригада сарқорининг бу гапларига бирор қўшимча қилиш қийин, албатта. Лекин битта нарсан албатта таъкидлаш ке-рак. Корхонада бу бригадани ўрнатиш бейималик жамоалар кўпчилигини ташкил этади. Ана шу босқанд завод ишчи ва тизматчиларнинг эришяётган ютуқларини салмоғи тобора ошиб бораётти, уларнинг қўлга киритаятган ютуқларига, бири-бирига шогирд ва бири-бирига ўсоз бўлган, турли йилпатга мансуб ишчиларнинг дўстлигининг қадрига етиб уни кўз қор-чиғидан асраб келаятганлигига ҳаммининг ҳаваси келаяпти. Ваҳоланки, мана шу нарсада жуда ҳам катта ҳикмат бор. Музбиримиз тўққин Каримов билан корхона цехларини бир-ма-бир айланишимизда, ишчилар билан ошкора ва дилдан суҳбатлашган пайтнимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

С. БОБОВ.

ПРЕЗИДЕНТ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

24 октябрь куни Ўзбекистон ССЖ Президент Кенга-шининг навбатдаги мажли-си бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш-га тайёргарлик туғрисидаги масала кенгаш мажлисининг диққат марказида бўлди. Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Рамси Ш. Р. Мирсаидов шу ҳақ-да ахборот берди.

Ҳозирги вақтда хўжалик юриштининг бозор шароити-га ўтишда ўз стратегиями-з ва таътиқамизни танлаш му-ҳимдир, деб таъкидланди. Кенгаш аъзоларининг нутқ-ларида, айни пайтда жум-ҳурийят аҳолиси ва энг авва-ло кам таъминланган таба-қалар кўп болган оила-лар, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар ва ўқувчиларнинг иқтисодий ҳимояланшини таъминлаш учун барча чо-раларни кўриш лозим.

Жумҳурийят бозор муно-сабатларига боқишча-боқиш ўтишлини амал қилиши таъкидланди. Бунда марказ ва бошқа жумҳурийятлар бил-ан ўз муносабатларини қай-та кўриб чиқиши, мавжуд ресурслардан, иқтисодий омиллардан самаралроқ фойдаланиши, хўжаликни бошқаришнинг маъмурий-

буруқбозлик усулларидан воз кечиши зарур. Мажли-са тилга олинган бошқа му-ҳим муаммолар орасида ин-вестиция, нарх белгилаш-нинг янги шаклларини иш-лаб чиқиш, жаҳон бозорига чиқиш ва шу сингарилар ай-тиб ўтилди.

Тақдим этилган дастурга оид ишчи давом эттиришни ҳуқуқамга топшириш тақдир этиди. Президент Кен-гашининг барча аъзолари дастурни узиб-кесиб ишлаб чиқиш ва тақомиллашти-ришда иштирок этадилар.

Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, жум-ҳурийят Давлат план комите-тининг раиси Б. С. Ҳамидов ўз нутқини жумҳурийят пахта комплекси муаммоларига бағишлади. Фидокорона меҳнат, иқтисодий омиллар-дан фойдаланишнинг таъ-силли пахтакорлар бу йил улкан муваффақиятга эри-шишга бағраҳам бериш учун ҳо-зиннинг ўзидаёқ қўлини иш-ларга қилинди. Бу йил пахта экиш учун ерларнинг 65 фоизга акратилди. Келгуси йилда пахтазорлар майдони 61 фоизгача қисқарилади. Бунда ҳар гектар ер ҳо-силдорлигини ошириш, се-

лекция ва уруғчилик маса-лаларига, меҳнатни ташкил этишни тақомиллаштириш-га кўпроқ эътибор бериш му-ҳимлиги таъкидланди. Айни муддий омиллар — самарали ишляшга қўмақлашади.
Пахта Ўзбекистоннинг асосий бойликлари билан би-ри, юқори рентабелли валюта маҳсулотидир. Пахтанинг аф-залликлари шак-шубҳасиз-дир. Мутахассисларнинг ҳи-соб-китоблари гўза сабазот ва мева экинларига қараган-да қариб икки баравар кам сув талаб қилишини кўрсат-моқда.
Мажлисада Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгаши туғрисидаги низом ва унинг фаолият режиси ҳам кўриб чиқилди. Нумладан, Орлоў-йини экологик ҳалокатдан муҳофаза этиш муаммолари-ни, оммавий ахборот воси-таларининг иши ва бошқа масалаларни муҳофама қи-лиш тақдир этилди.
Халқ манфаатлари, унинг турмуш шароитларини ях-шилаш — Президент Кен-гашининг аъзолари амал қилиши зарур бўлган энг асосий масалалар, деб таъ-кидлади мажлисада жумҳу-рийят Президенти И. А. Каримов.

(ЎЗАТА).

БОШ КОНСУЛЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ССЖ Прези-денти И. А. Каримов Ҳин-дистон Жумҳурийтининг Тошкентдаги Бош консули А. К. Мукаркини ушбу ла-возимдаги фаолияти бош-ланиши муносабати билан 23 октябрь куни қабул қилди. Суҳбат чоғида турли ма-салалар тилга олинди. Асо-сий эътибор Ўзбекистон би-лан Ҳиндистон ўртасида иқтисодиёт, савдо, маданият,

муносабатлар ва алоқалар мавжудлиги таъкидланди. Иккала томон ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривож-лантириш мудиасоини айтди.

Бош консуллар билан бў-либ ўтган суҳбатларда Ўз-бекистон ССЖ Президент-лик Кенгашининг аъзоси, жумҳурийят ташқи ишлар вазири С. О. Азимонов қатнаш-ди.

(ЎЗАТА).

СЕРМАХСУЛ ЙИЛЛАР

○ БУ КАДРЛАР УЧОГИ ўз ўқув фаолиятини меҳнат резервлари техникуми сифа-тида бошлаган эди. Мана шунга ҳам 45 йил бўлди.

Тарихан шу қисқа давр мобайнида Тошкентдаги 1-индустриал-педагогика техникуми ҳар томошам му-стаҳкамланди. Ийрик ўқув базали билим даргоҳига айланди. Шу ўтган йиллар мобайнида 8 мингдан ортиқ малавали мутахассис тай-ярданди, жумҳурийтимиздаги ҳунар-техника билан юрт-ларига, ўқувчилар ишлаб чиқариш комбинатларига, санаот корхоналари ва қурилишларига ишга юб-рилди.
Бугунги кунда техникум-нинг ҳар бир ўқув хонаси ва лабораторияси таълим-нинг турли техника восита-лари билан намунали ян-ҳолланган. Эндиликда бу ер-

да компьютерли синф ҳам мавжуд.
Бу ерда фаолият кўрсата-ётган техника ижодкорлиги тўғрақлари машғулотлари да тайёрланаётган турли мо-деллар, мослама ва механиз-млар мутахассислар эътибо-рини ўзига торғамқда. Еш-лар ижодкорлиги намуналар-и Бутуниттифон ҳамда Ўз-бекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаларида бир неча бор муваффақият-ли намойин қилинди.

Техникумининг иқтидорли 75 талабиси иқтидорлик ва рационализаторлик жа-мъатининг аъзоси ҳисоблан-ди. Техника ижодкорлиги тўғрати рақибари Н. Нарпен-ко эса талабаларга изланув-чанлик қўбиялигини ўсти-ришдаги ҳизматлари учун Бутуниттифон Халқ Хўжали-ги Ютуқлари Кўргазмаси-нинг қумуш нишон билан тақдирланди.
Кадрлар маскани жамоа-си Тошкент экскаватор, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари билан яқин алоқа боғлаган. Мана бир неча йилдирки, қўли гул талабалар бу кор-хоналар бюрутмаларини кўн-гилдағидек қилиб адо этиб келмоқдалар. Шу сабабли ҳам техникум жамоаси за-водлар маъмурияти томони-дан бир неча бор тақдирланди. Меҳнатда фаолият кўр-саган талабалар эса пул мувофотица сазовор бўли-лар.
Ишлаб чиқариш таълимининг бўлажак мутахассис-лари даргоҳи юбилей арафа-сида янги ўқув биносига эса бўлди. Унинг ёнида қад кўтарган ўқув устaxonалари талабалар кучи билан тик-ланди.

А. АЛИЕВ.

Муҳасаботлар фикрича...

Бензин тақчиллиги шарпаси

Яна, уч ой мўқаддамгидек, Тошкент узра бензин тақчил-лиги шарпаси кезмоқда. Тақ-тақ тўхтаб қолган ав-томобилларнинг эгэлари ва-зиятини ойдинлаштириш, ис-тиқболда нималар кутули-шини билиш мақсадида де-ярли тинимсиз кўнгирок қилишмоқда.

«Тошкент оқшомин» рўзо-масининг илтимосига бино-ан вазирият Ўзбекистон ССЖ Нефть ва нефть маҳсу-лотлари давлат қўмитети раисининг ўринбосари В. И. ДАВИДЕНКО шарҳляйди.

— Виталий Иванович, биз-нинг аввалги суҳбатимиз («ТОН», 196-сон) кўтаришим-рузда тўғраганда, сентябрь ойи-нинг бошларида «бензин бо-зорининг барқарорлаштири-ш бағорат қилингани эди.

— Ҳа, ўшанда биз чиндан ҳам сентябрь ойида вазирият Барқарорлаштириш ва айтиш мумкинки, октябрь ойининг ўрталаригача «дош бердик».

— Энди нима бўлди? Яна бензин тақчиллиги ажузда қолганинининг сабаби нима-ди? Бундан қандай олоқлаш мум-кин!

— Биринчидан, Бу Чимкент нефть заводининг ишдан чиқ-қонилигидир. У ерде қурилма-лардан бири портлаб кетди. Олтириқдаги (Фаргона вило-яти) заводнинг, Омск ва Ан-гарскдаги заводларнинг таъ-мирланганлиги бунга қў-шимча бўлди. Ана шундай кўнгилсиз вазириятга дуч кел-ди. Чоркўйдаги корхонанинг хали ҳам ишга туширилма-гани ўз таъсирини ўтказди. У ҳали-вери ишга туширилма-са керак.

Иккинчидан, жумҳурийтимиз Горький вилоятига тамаки етказиб берилади, ўз навба-тида Горький вилояти ҳам этил сувоқчилини етказиб бери-лади. Бизнинг янги «мустоқил-лимизнинг» оқибатлари ана шунга олиб келди. Натжибеда биз таркибида оқтан микдори юқори даражада бўлган «93»

Обуна—91: Сўз—«Оқшом» муштарыларига

ВОҚЕАЛАРДАН ХАБАРДОР ЭТАДИ

Мен «Тошкент оқшомин» рўзо-масига 1988 йилдан буюн улуғлиқ обуна бўлиб келман. 1991 йилга ҳам биринчи-лар қаторида обуна бўлдим. «Оқшом»дан ташқари «Еш деничи», «Совет Ўзе-бистони», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» каби рўзономалари кейинги йилдан ўриб бориш ниятидаман.

Рўзономаларнинг баҳоси ошганлигини хисобга олиб Ҳозиргача йил-лаб ўтирган ва хали ҳам обуна бўлмаган муштарыларга айтилган гапим шунки, Тошкент ша-ҳрида яшаш тўғр, шу шўхар йигитлик-лари билан муштазм хабардор бўлиш ни-ятидаги ҳар бир киши «Оқшомга» ёзи-лиши керак.

Менга «Оқшом» рўзономаси саҳифала-рида «Адабиёт ва санъат», «Жисмоний тарбия ва спорт», «Кулгитхона», «Шанба оқшомида» руҳулари остида берилаёт-ган мақолалар кўпроқ маъқул бўлмоқ-да.

Шунингдек, «Тошкент оқшоминга»

истақларим ҳам йўқ эмас. «Кулгитхона» рукуни муштазм чиқиб турса айни му-дда бўлур эди. «Адабиёт ва санъат» рукуни бўлича берилаётган материаллар-нинг асарияти негидир фанат санъат-корларга бағишланмоқда. Тошкент ша-ҳрида яшаш илоҳ қийаётган адабиёти-мининг йирик намоиядалари билан су-ҳбатлар ташкил қилинса, нур устига нур бўлур эди. Ва низолат, «Оқшом» кутуб-хонаси сериясида жажжи китобчалар чиқариб туриш лийти келди, деб ҳисоб-лайман.

«Тошкент оқшомин»нинг илова наشري «Маҳалладон» туғрисида ҳам фанат илиқ гаплар айтган келади. Маҳалла-ларда солир бўлаётган янгиликлар, хушхабарлар ҳамда муаммолар ҳақида-ги мақолалар ўзининг дошларлиги бил-ан бу жажжи рўзономанинг ҳам улжос-мандларини анча қўшайтирди.

С. ОРИПОВ, хизматчи.

Фаоллар кўмагида

Собир Раҳимов районидаги 1-автоком-бинат жамоаси ҳам обуна ишларини улоқчилик билан олиб бормоқда. Авто-комбинат партия қўмитасининг котиби Шавкат Умаров фаолиятида ҳайдовчи-лар, муҳандис-хизматчилар ҳозирданок келса йили рўзономаларин қўлдан қўй-май ўқиб икмониятига эга бўлмоқдалар.

Ҳозиргача жамоадаги 800 икчи-хизмат-чи турли мабуот нашлади, Тошкент ша-ҳридаги икчи хизматчилари расмийлаштирди. Улар-нинг кўпчилиги «Тошкент оқшоминга» обуна бўлдилар.

Буна тўғрисида жамоатчи фаоллар-дан муҳандис Олимжон Хожиев алоҳида ибрат кўрсатмоқда. У бошчилик қилает-ган бўлимдаги 40 та икчи-хизматчи-

нинг ҳаммаси тўла мабуот обунасига қилинди Шу тўғрисида Ш. Умаров 100 сўмлик, Х. Мансуров 89 сўм-лик, С. Алимов 80 сўмлик, Т. Орипфо-нов 70 сўмлик рўзонома ва ойномаларга ёзилдилар.

— Жамоатчи ташвиқотчилар билан келишиб олдн, дейди Шавкат Умаров. Корхонамиздаги барча ходим-ларни обуна ишларига тўла бағи қила-миз. Уларнинг кўпчилиги «Тошкент оқ-шоминга» жон дилдан ёзмақодалар. Бу-нинг босиси бор албатта. Чунки, рўзонома шахримиз ҳаётининг қўғустига айлан-ган.

А. НАБИХУҲАЕВ, жамоатчи муҳбир.

Ҳозирча пул ислоҳоти мўлжалланаётгани йўқ

Ш. ЕҒУБОВ, Ўзбекистон ССЖ Давлат банки бошқарувининг раиси.

— Менда тайёрланаётган пул ўзгариши ёки пул ислоҳотида доир ҳеч қандай ахборот йўқ. Умуман шундай ахборотнинг ўзи йўқ. Ахир пулни бирор нарсага алмаштириш учун ян-ги банк билетларини босиб чи-қариш керак. Банк билетлари бизга маълум бўлган ҳазина билетларидан тилга билан таъминланиши билан фарқ қилмади. Банк билетларини эса босиш қали бошланган-ни ҳам йўқ. Шунинг учун ҳо-зир муомалада бўлган пул-ларнинг ўзидан фойдаланила-



СУРАТДА: Тошкентдаги таъриба фат аълоҳиси деб ном олган бу пешқа-виллақашлик фабрикасининг илгор иш-чиси Ултамхон Назировани кўриб ту-рибсиз. Корхона жамоаси ўртасида си-фат аълоҳиси деб ном олган бу пешқа-вилларидан бири ҳисобланади. Т. Каримов сурати.

Бошқариладиган бозор иқтисодиёти бўсағасида

ҚУВВАТ ҚИММАТЛАШАДИ. САБАБ?

ХОРИЖИЙ сайёҳлар юртимизга келиб, кўп нарсани ажабланишади. Хусусан, уларнинг назарида бизда квартира ҳақи жуда кам, электр нархи эса афсонавий даражада арзон. Ҳақиқатан ҳам бир киловатт-соат электр энергия учун шаҳарларда аҳоли икки-тўрт тийин, қишлоқ аҳолиси эса ундан ҳам кам —

атияси бир тийин тўлайди. Бозор иқтисодиётига ўтганча бу нархларнинг қандай ўзгаришини олдиндан айтиб беришга уринмоқчи эмасмиз. Лекин саноат корхоналари ва ташкилотлар 1991 йилдан бошлаб электр ва иссиқлик энергиясига ҳозиргидан анча кўп ҳақ тўлайдилар.

тивларга асосланган. Агар энергетиклар шу нормативлардан чиқиб кетсалар, фарқни ўз даромадлари ҳисобидан қоплашлари керак.

— Энди асосий масалага ўтайлик. Энергия тарифлари қанча оширилади?

— ССЖИ Давлат нарх комитети энергияга белгилаган тарифларни ўртача қирқ беш фоиз оширишни тасдиқлади. Бу февраль ойида бўлган эди. Кейинчалик вазират ўзгаришларни қўйиб қўйди ва янги тарифларни тўлайдиган бадални миқдори ошириди. Бизнинг тармоғимизда 1991 йил учун ҳозирги 10 — 13 фоиз ўрнига 37-фоиз тўланади. Энергетика корхоналарининг ортқича пули йўқ. Хуллас, қўшимча харажатлар энергия қийматига қўшилади.

— Маҳаллий Советлар тарифларни ўзгартириши мумкинми?

— Маҳаллий Советларга шундай ҳуқуқ берилади. Кўзда тутилмаган харажатлар пайдо бўлиши билан Советлар энергосистеманинг илтимосига, мувофиқ ССЖИ Давлат нарх комитети томонидан тасдиқланган тарифларни яна ўн беш фоиз ошириши мумкин. Энг муҳими — ана шу харажатлар чинакам асосланган бўлиши керак.

— Евгений Иванович, Москвада ва бошқа жойларда янги иссиқлик электр станциялари қурилишига қарши чиқиб, норозилик билдиришяпти. Улар шаҳарлар ҳавосини булғатадиган жиддий маъбадир. Юз берган вазиятни сиз қандай баҳолайсиз?

— Мен аҳолининг ташвишларига шерикман, саломатлигимиз, иш қобилиятимиз ва узоқ умр қўришимиз атроф-муҳитнинг мусофолитига боғлиқ.

Аммо муаммонинг иқтисодий томони янги айтиб ўтмоқчиман. Бу соҳада тафаккурни ўзгартиришга тўғри келади. Биз ҳамма нарса учун давлат ҳақ тўлашга ўрганиб қолганмиз. Шу жумладан ҳавога заҳарли моддаларнинг чиқишини камайтириш мақсадида ишлаб турган электр станцияларини реконструкция қилиш учун давлат ҳақ тўлашга қўйилиб қолганмиз.

Шубҳа йўқ: илгари худди шундай эди. Ҳозир эса бозор иқтисодиётига ўтганимиз. Электр станция янги қуруми билан ҳавонинг заҳарланишига учун замонавий ускуналарни сотиб олиш учун энергетиклар пулни қаредан олишади? Фақат энергия исстеъмолчиларидан, яъни корхоналардан ва аҳолидан олишади. Улар ана шу харажатларни қандай қилиб пул билан тўлашади? Маҳаллий тарифларни ошириш йўли билан тўлашади.

Айтмоқчи, маърифатли дунёда худди шундай тартиб мавжуд. Хузуриятимизда Германия Федератив Жумҳуриятидан касбдошлар келишиди. Улар электр станциялар шаҳарларнинг деярли марказида жойлашганини айтишди. Ҳеч ким норозилик билдираётгани йўқ. Чунки улар экология жиҳатидан соф энергия корхоналаридир. Тўғри, уларни қуриш оддий станцияларга нисбатан икки баравар қimmatга тушади, аммо энергия тарифлари ҳам икки баравар юқори, аҳоли соф ҳавода нафас олиш учун бундай ҳабабатга рози бўлади.

— Шундай қилиб, келгуси йилдан корхоналар ва ташкилотлар учун энергия тарифлари бир ярим баравардан кўпроқ ортади. Табикии, газетчиликнинг ва аҳоли уларнинг оилавий бюджетига қандай таъсир қилиши қизиқтиради. Чунки саноат энергия қийматлашганини ўз маҳсулоти нархига қиратади. Бинобарин, аҳоли кийим-кечак, пойабзал, меъба ва бошқа моллар учун кўпроқ пул тўлайдиган бўлади. Ана шу ортқича тўланадиган пулнинг ҳажми қанча бўлади?

— Халқ исстеъмол моллари қийматида энергия қиймати бир фойданан сал кўпроқни ташкил этади. Хуллас, биз фуқароларнинг оилавий бюджетига «пул» етказмаймиз, деб айтмоқчи. Ҳозир ССЖИ Давлат нарх комитети СИТА муҳбири Р. АХМЕТОВ,

— Бунинг бир неча сабаби бор, — деб тўшунтирди ССЖИ энергетика ва электрлаштириш вазирининг ўринбосари Е. Петряев. — Келгуси йилдан бошлаб Ёшлар нархи тахминан икки баравар ошади. Энергиянинг нархини кўп қилмаганда ана шу ёшлар нархи белгилайди. Трансформатор ва турбина мойи, бошқа моддий ресурслар қийматлашади. Ердан, судан фойдаланиш учун, электр станцияларнинг зарарли моддаларини ҳавога чиқариб юборгани учун ҳақ тўлаймиз. Мана шу харажатларнинг ҳаммаси энергия қийматига қўшилади.

Шуни айтишнинг керакики, мамлакатда амал қилаётган тарифлар ва электр, на иссиқлик энергиясининг ҳақиқий қийматини акс эттиради. Бинобарин уларни харажатга мувофиқлаштириш керак.

— Евгений Иванович, сиз энергия нархига қўйиладиган қувватли харажатларни айтиб ўтдингиз. Энергетикани ривожлантириши ким пул билан таъминлайди?

— Маълумки, шу вақтгача харажатларнинг кўп қисми давлат бюджетидан ажратилган эди. Келгуси йилдан бошлаб инвентаризация, Умумийтўғри ёки минтақаваро аҳамиятга молик энергетика иншоотлари қурилиши бюджет ҳисобидан пул билан таъминланади. Атом электр станциялари, яъни иссиқлик ва гидравлик электр станциялари, шунингдек қуввати беш юз киловатт ва ундан ортқи бўлган, миятақаларни бирлаштирувчи электр линиялари ана шундай иншоотлардир. Тармоққа ажратиладиган капитал маблағининг салкам 30 фоизини ана шу мақсадга сарфлаш ташкил этади. Маблағнинг қолган қисми маҳаллий бюджетлар, тарифлар, энергетика объектлари қурилишида энергия исстеъмолчиларининг улушбай асосида иштирок этиш, шунингдек, банк кредитлари ҳисобидан ташкил топади, энергетиклар банкдан олган қароларини тарифлар орқали тўлайдилар.

— Энергия нархини ким белгилайди?

— Жумҳуриятлар суверен бўлиб иқтисодий муносабатда олган ҳозирги шароитда уларга тарифларни марказдан белгилаб беришга ҳоҳат йўқ. Лекин давлат нархларини тартибга солиш вазифасини сақлаб қоллиши керак, акс ҳолда нарх-наво тўхтовисига олиб кетади.

Энергетиканинг ўзига хос жиҳатлари бор. Айтайлик «Ростсельмаш» заводи бир киловатт-соат электр энергиянинг нархини қиймат деб ҳисоблайди. Лекин у Ростон энергетика ташкилотига етказиб бераётган қиймат энергия ўрнига Красноярскдан арзонроқ нархда энергия оломайди. Натияжада исстеъмолчи ноҳор аҳолига пул тўлади, у энергия етказиб бериувчиларни танлаш имкониятига эга эмас. Бу ҳол эса энергия нархини ошириш учун кенг имконият очиб беради.

Ана шундай аҳолига йўл қўймаслик учун биз электр ва иссиқлик энергиясига тарифларни давлат йўли билан тартибга солиш тўғрисида вақтинчалик низомини ишлаб чиқдик ва уни ССЖИ Давлат нарх комитети ва ССЖИ Давлат план комитети билан келишиб олдик. Бу низомга мувофиқ 1991 йилдан бошлаб маҳаллий шароитда ва энергия ҳосил қилиш харажатларига қараб ҳар бир минтақа ўз тарифларини белгилайди.

— Жойларда электр энергияни қийматроқ сотишга ва тарифларга ҳақто ҳўжасизлик ва бепарволикдан келган зарарларини ҳам қўшишга ҳаракат қилинайдми, деб ким қайларда бера олади?

— Бундай тамойиллар бўлиши мумкин, албатта. Биз исстеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш учун жаҳон тажрибасига таяниб, ҳисоб қилишнинг маҳсул устулин ишлаб чиқдик. Жойларда бу усулга қатъий амал қилиниши керак. Бу усулда энергия қийматига қўйиш лозим бўлган харажатлар санаб ўтилган. Иш жойларидаги ортқиқаликка чек қўйиш учун электр станциялар ва шохобчалар ходимлари сонининг ҳисоби берилган. Ана шу кўрсаткичлар норма-



УЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИ. Шаҳримиздаги 2505-автокотоннада узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган ҳайдовчилар жуда кўп. Улардан бири Евгений Кимдир. У умр бўйи шу корхонада ишлаб ўзининг самарали ҳиссасини қўшиб келмоқда.



СИНГАН БИЛЛУРДАН

Тошкентдаги «Миконд» заводидан ишлаб чиқариш ширкатида биноларни пардозлаш учун ишлатиладиган қошлар чиқариш йўли қўйилди. Синган биллур қайта эритилади ва қошга солинади. Бинокорлик материалли шу билан тайёр. Биринчи бўлиб янги материалга хорижий харидорлар қизиқиш билдиришди. Афғонистондаги қурилиш фирмаларида бинонинг вақиллари корхонада бўлиб, саккиз миң квадрат метр «биллур» қошин сотиб олиш учун шартнома тузди. Эвазига валюта билан ҳақ тўланади. Янги маҳсулот намуналари Германия Федератив жумҳуриятидаги саноат кўрғазмасида намойиш қилинади.

Жумҳуриятимизда эса янги маҳсулотга харидор топилмапти. Эҳтимол бунинг сабаби тегишли ахборотнинг йўқлигидадир? Заводдан хабар қилишларича, «Миконд» қизиққан ташкилотлар билан шартнома тузиб, уларга бинокорлик материалли етказиб беришга тайёр.

Янги жиҳозлар

○ ТОШКЕНТ картон фабрикасидаги қўлпаз ишлаб чиқариш ишлари яқин кунгача қўлда бажарилади эди. Янгида Чехословакиядан келтирилган янги қирқадиган жиҳоз бу ишларни кескин намойтиради.

Йил охирига қадар корхонага Япониядан янги жиҳозлар келтирилади. Корхона меҳнатқўлилари келаси йилдан бошлаб жуда кўп ишларни ана шу жиҳозлар ёрдамида бажаришади.

Қум ўрнига... кул

○ ТОШКЕНТДАГИ тажриба лойиҳасида зонал илмий-тадқиқот илмгоҳининг ходимлари дарёларнинг ўзлашганидан қизил олинмадан кварц қўминин тежаш йўлининг таклиф қилишди. Улар ана шу қум ўрнига иссиқлик энергетика корхоналарининг чиқиндисини — қулдан фойдаланиш имкониятини топдилар. Ҳозирги пайтда атроф-муҳитни булғатаётган

бундай қуллар амалда битмас-туганмас даражада тўпланиб қолган. Олинлар ишлаб чиқариш технологияси асосида қулнинг қум ўрнида бетонга қўйиш мумкин, бу эса унинг пилиқлиги ва сув ўтмаслиги хусусиятини янада яхшилайди, темир-бетон буюмлари таннархини анча арзонлаштиришга имкон беради. (ЎзТАГ).

Нью-Йорк—автомобиллар энг кўп ўғирланадиган шаҳар

Нью-Йорк. АҚШдаги энг йиринчи шаҳар бу ерда ҳар йили ўғирланаётган автомобиллар миқдорига кўра биринчиликти эгаллаб турибди. «Нью-Йорк пост» газетасида эълон қилинган маълумотларга кўра Нью-Йоркда автомобилларни ўғирлаш ҳоллари мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан тўрт баравар кўпдир. Техас штатидаги Хьюстон билан Сан-Антонио шаҳарлари автомобиллар энг кўп ўғирланадиган шаҳарлар рўйхатида иккинчи ва учинчи ўринларда туради. Автомобилларни ўғирлаш

Мексика билан чегарадош бунг районларда айниқса кенг тарқалган. Жиноятчилар автомобилларни Мексикага олиб боришга янги қисмларга бўлиб у ерга ўнатишяпти, кейин эса ана йигиб сотишмоқда. Суурта компанияларнинг маълумотларига қараганда, сўнгги йилларда ўғирларини кўпроқ спорт автомобиллари қизиқтирамоқда. «Женерал моторс» компанияси ишлаб чиқарадиган «Понтиак-Файербурд» модели АҚШда энг кўп ўғирланаётган машинадир.

Жиноятчи ушланди

КАРАКАС. Интерпол зўр бериб қидираётган «Граф Монте-Кристо» лақаби билан машҳур жиноятчилардан бири Венесуэлада ушланди. Радионинг хабар қилишича, гап эски испаниялик бўлган тўтқиқ бермас қароқчи Хайн Месис Фигероа тўғрисида бормоқда. У 25 марта қотиллик қилган, 35 марта банк ва заргарлик дўконларини таллаган. У асосан Европа ва Латин Америкаси мамлакатларида ҳаракат қилган. Унинг янгида Хайн де Лессерс номига эълон сохта Мексика паспорти тортиб олинган. Венесуэла пойтхти хавфсизлик органлари ходимлари жиноятчининг жума кунин, у ҳеч нарсадан бехабар, ўзининг сарҳашам уйда дам олаётган пайтда қўлга туширилди. Афтидан, Фигероа Каракасда жуда яхши жойлашиб олган. Узининг венесуэлалик хотини «Аэролинеас латинас авиоконпанияси маҳаллий филиали 66-фоиз акцияларининг эгаси эканлигиндан фойдаланиб, у авиоконпаниянинг маъмурий кенгашига кириб олган. Венесуэла хавфсизлик органлари уни кейинчалик Испания маъмуриятини топириш мақсадида жиноятчи тутилгани тўғрисида шу мамлакат полицияси хабардор қилдилар.



○ Яқудийларнинг хорижга, жумладан Исроилга қўлиб кетаётганлиги ҳақидаги масала Фарб матбуоти саҳифаларида кўп кўра эсланимоқда. Аммо айтишдику, юз марта солинмадан кўра бир марта кўрган яхшироқ деб.

СУРАТДА: ССЖИдан жўнаб кетган яқудийлар Қуддусда келгиларини жойлаштириш маъразада нарт тилини ўрганаётган. Аммо айтишдику, юз марта солинмадан кўра бир марта кўрган яхшироқ деб.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Айланма йўл қурилади

ПАРИЖ. Париж ҳоқими Жак Ширак Париж атрофидан ўтказиладиган янги еростни айланма йўлини қуриш лойиҳасини таяйишга киришиш тўғрисида қарор қабул қилди. У «Булар периферик» деб аталувчи ҳозирги айланма йўлни тақроқлайди.

«Булар периферик»ни «такрорлашни кўзда тутади. Янги йўл бошдан охиригача еростидан ўтади. Қурилиш ишларини икки йил ичидаёқ бошлаб юбориш мўлжалланмоқда. Йўлнинг ҳар бир километрини қуриш тахминан 10 миллион франкка тушади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳар кунни қарийб ярим миллион автомобилчи ярим трассадан фойдаланади. Бу эса «Булар периферик»дан ўтадиган автомобилларни деярли учдан бир қисса камайтириш имконини беради. Янги йўл пули бўлади.

Армияга аёллар керак

БЕРН. Илқ куз кунларида бирининг тоғи Швейцарияда яшаётган чет эллик айрим аёллар учун сира қутилмаган янгиликдан бошланди. Улар почта орқали бош штабдан миллий армия хизматида аёлларнинг қўлигили равишида ёзилиши таклиф этилган хабарнома олдилар. Ташиниша тушган аёллар изоҳ берилишини талаб қилдилар ва шунда илгари ҳам армияда аёллар етишмаслигиндан бир неча бор расман нолиган ҳарбийлар «чалнашлик»ка йўл қўйганликларини маълум бўлди. Швейцарияда

чет эллик аёллар легионини ташкил этиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлашди бош штабда. Миллий армия аёллар хизматининг қотибятидагилар ҳам бу ахборотни тасдиқлашди ва армияга фақат Швейцария фуқароси бўлган аёлларгина олиниши мумкинлигини тўшунтирдилар. Фақат қўнғиллардан қабул қилинадиган миллий армияда ҳозирги пайтда 3150 аёл хизмат қилмоқда. Ҳолбуки, армия бош штабининг фикрича, Швейцария армияси маъ-

ТОШКЕНТ ШАХАР
МАҲАЛЛАЛАР
ИШИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ
КЕНГАШИНИНГ
РЎЗНОМАСИ.
Ҳар ойда икки марта
чиқади.
«Тошкент оқшоми»
нашри.

Маҳалладош

Октябрь, 1990 йил.
№ 20 (32).

Биз—байналмилалчилармиз


БАРАКА ТОПИНГ

ХАЛИЛ ота электр симларини чаққонлик билан алмаштирган йигитни бир пиёла чойга таклиф қилди. Сухбат чоғида унинг исми Фарҳод эканлиги, яқинда Армия сафидан қайтгани, онасидан бўлак ҳеч қимли йўқлигини билиб олди. Нияти бироз пул ишлаб, вафот этган отасининг маъракаларини ўтказиш экан. Фарҳоднинг ўзини вазмин тутиши, мулоҳазали, гаплари отага маъқул тушди. Шу кундан бошлаб икки оила ўртасида борди-келди бошланиб кетди. Халил ота бош бўлиб, Фарҳодни уйлантиргач, муносабатлар янада яхшиланди.

Халил ота асли Тожикистондан. Болалиги қийинчиликда ўтди. Отасининг топан-тутгани рўзгорга зўра етар, онаси кашта тикиб, бўз тўқирди. Халил воёга етиб, ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, ҳаётини Бибиражаб билан боғлади. Турмушлари яхшилана бошлади. Аммо йиллар ўтса ҳамки, уйда гудак кулгиси етишмас эди. Эр-хотин маҳлаётлашиб, Тошкентга кўчиб келишди. Узоқ муолажалардан сўнг бирин-кетин уч фарзанд дунёга келди. Тўртинчиси туғи-

лаётганда эса Бибиражаб оламдан кўз юмди. Яхшиямки қайнонаси бор экан, Канибодомдан келиб, қизининг маъракаларини ўтказишга бош бўлди, невараларига қаради. Уйига қайтаётганда эса Халилни Шарофат исмли жувоғига уйлантирди.

Умр оқар дарё экан. Халил ота ҳаёти давомида кўрган қийинчиликлар, тирноққа зор бўлган кунларини эслар экан, ота-онасиз ўсаётган болаларга ёрдам бергиси келади. Шу бонданми, яна етти азаматни тарбиялаб воёга етказди. Уларга ҳўнар ўргатиб, уйли-жойли бўлишларига кўмаклашди. Ота-онасиз қолган ўзбек фарзанди Турсунбойни олти ёшидан боқиб, катта қилди. Ҳўзир унинг ўзи беш фарзанднинг отаси. Ака-ўка Турдали ва Йўлдошалилар бевақт ота-онадан ажралиб, безориларга қўшилиб қолишган эди. Халил отанинг гамхўрлиги туфайли улар яна одамлар орасига қайтишди. Энди Канибодомда машҳур новойлар қаторида ҳўрмат қозондилар. Сайёра, Сантбой ва Шарифжонлар ҳам Собир Раҳимов район, Зарқайнар қў-



часидаги шу хонадондан ўз бахтарини топишди.

— Халқимизда ақойиб бир ривоят бор, — деди Халил ота Холиқов биз билан суҳбатда. — Айтишларича, Момо Ҳаво эгизак фарзанд қўриб, уларни Сирдарё ва Амударё бўларига воёга етказибди. Исларини эса ўзбек ва тожик деб қўйибди. Бу ривоятнинг замирида катта маъно ётади. Умримнинг ярми Ўзбекистонда ўтди. Мен шу диверда фарзандли бўлдим, невараларим сони 25 тага

етди. Улар орасида ўзабег ҳам, тожик ҳам бор. Ўзбек халқидоғи инсонийлик, меҳр-оқибат меннинг ҳаётимга шубҳасиз таъсир кўрсатди. Узгалар бахт-саодат учун фидойилик кўрсатиб келётган Халил отага ўхшаш одамларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилегим келади.

Дония ЗОКИРОВА.

СУРАТДА: Халил ота ўғли Фарҳод ва неваралари билан.

«ҚОРАСУВ» ЛИКЛАР ТАШАББУСИ

МАҲАЛЛАЛАР турмушимизда катта ўрни тутаётгани кейинги пайтларда яққол сезилмоқда. Қўмиталарга эътибор кўчиб, маъсулияти оширилганлиги туфайли уларнинг мавқеи тобора ортиб борапти.

Куйбисhev райониде 30 та маҳалла, 10 та уй-жойдан фойдаланиш комиссияси (ОКЭЖ) бор. Албатта, улар фаолиятини қийёсланганда ҳар жиҳатдан фарқлаш мўмкин. Комиссиялар асосан мавзелаerde жойлашган кўп қаватли уйлардаги

коммунал хизматни бошқариб туришса, маҳалла қўмиталари Советларнинг энг яқин ташкилотчиларидир. Тўй, маърака, турли хил маросимлар, шунингдек ҳашерлар уюшқоқлик билан ўтказилади. Шу бонс ҳам кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳоли маҳалла тузишини маъқул топиб, район фирқа ва ижроия қўмиталарига мурожаат қилишяпти. Бу ташаббусни бошлаган «Қорасув» даҳасининг 6-мавзесида асосан ўзбеклар яшади. Одамлар-

нинг бошини қовуштириб турадиган қўмита зарурлиги ҳақида дастлаб шулар мурожаат қилишди. Ижрокўм қарори билан мавзеда 2,5 минг аҳолини бирлаштирган «Наврўз» маҳалласи ташкил этилди.

Орадан кўп вақт ўтмай даҳада «Янги Авайхон» маҳалласи фаолият кўрсата бошлади. Шиниолий Шарқ ва Солнечний даҳаларида ҳам ҳар бири 5 минг аҳолини бирлаштирган иккита жамоа ташкил этилди.

Келгусида маҳаллалар сон яна ортади. Трактор заводи атрофидаги кўп қаватли уйларда қўмиталар тузиш режалештириляпти.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу йилдан бошлаб яна бир хайрли ишга қўл урилди. Кўп қаватли уйларда тўйхоналар қўриб берилляпти. Янги тузилган жамоаларни идиш-товоқ, қозон ва бошқа рўзгор буюмлари билан таъминлаш ҳам эътиборда.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

ЯНА 300 КИШИГА КўПАЯДИ

— «Тошкент оқшоми» мен учун энг севимли рўзнома, — дейди маҳаллаимиз отахони, 90 ёшли Ансафхон Ашрафхоннов. — Чунки унда маънавий озуқа берадиган, одамларни мушоҳада қилишга ундовчи мақолалар мунтазам бериб бориляпти. Ҳаммасидан кўра «Шанба оқшомида» саҳифасини сабрсизлик билан кутаман. Рўзноманинг шу сонини кўлга олсам ичюғида бир чаман зор пайдо бўлгандек бўлади, Унга илова тарикасида чиқайтган «Маҳалладош»га ҳам илосим баланд. Айтгандек, уни мустакил рўзнома сифатида чиқара бошлашга вақт етмади-минан!

Маҳалла оқшоқолининг гапларида жон бор. Ҳақиқатан ҳам «Тошкент оқшоми» рўзномаси ўзининг 1-сонидан бошлаб эл дардида шерин бўлиб, юрт юнени елмасига олди. Шу бонсдан бўлса керан, муштарийлар ҳар оқшом уни меҳр билан кўлга оладилар.

Район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида Янгибод даҳасидаги Доншиманд маҳалласи ижмоасининг фаоллар, кўп болли оналар ва муҳтожликдан қийналган оналарини маҳалла жамғармаси ҳисобидан «Маҳалладош»га обуна диялиш ҳақидаги ташаббусини маъқуллади. Райондаги бошқа маҳаллаларда ҳам обунани ана шундай йўл билан ташкил этишга илениш олдин. Шу тарихи келгуси йилда яна 300 нафар маҳалладошимиз севимли рўзнома қатнини очиб, ундаги сермазун мақолалар билан танишиш иннониятга эга бўлади.

Неъматхон ҲАСАНОВ, Ҳанза район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, Тошкент шаҳар Советининг депутати.

ОЛИМ НОМИДА
С. РАҲИМОВ районидоғи «Коминтерн» маҳалласида 3 мингта яқин аҳоли яшайди. Маҳалладошлар шу жойга машҳур ўзбек кимёгари, академик Обид Содиқов номи берилишини сўрашган эди. Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитаси қошидаги Атамалар комиссияси ҳақли талабни қондириб, тегишли қарор қабул қилди.

ҚўМИТА МАЖЛИСИ
ПОЙТАХТДАГИ Фирдавсий маҳалла қўмитасининг навбатдаги йиғилишида қўмита котиби М. Сафаров ҳужжатларни давлат тилида расмийлаштириш қандай бошраётганлиги ҳақида ҳисобот берди. Маҳалла ҳудудидаги иморатларнинг аҳволи, кишга тийёргарлик бўйича қўмита раиси С. Содиқов гаширди. Шундан сўнг фаоллар фикр-мулоҳазалар билдиришди. Мажлис қатнашчипари режалар белгилаб олдилар.

САРТАРОШХОНА
ОЧИЛДИ

ОКТАБРЬ районидоғи Илчи номи маҳаллада яшовчи некалар соҳ-соқолларини олдириш учун узоққа қатнашган кўтулишди. Яқинда гузарда ҳашар йўли билан бунёд этилган сартарошхона хизмат кўрсата бошлади. Маъқур машиний хизмат шобобаси зарур жиҳозлар билан таъминланган. Давлатхўруд
САЪДУЛЛАЕВ.

Обуна—91: ЖАМҒАРМА ҲИСОБИДАН



Т. Н. ҚОРИ-НИЕЗИЙ номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот илмгоҳида илмий ходимлар ва пойтахт маҳаллаларидан бир гуруҳ вакиллари иштирониде йиғилиш бўлиб ўтди. Илмгоҳ директори, Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Қ. Фозилхўжаев мажлисини очар экан «Тошкент оқшоми» рўзномасининг илоси — «Маҳалладош» да ёриллаётган мақолалар, таърир ҳаётиятининг келгуси режалари ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Куйбисhev район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси С. Оқмирзаев, С. Раҳимов районидоғи Абдулла Набиев маҳалла қўмитасининг аъзоси Я. Абдуллаев, Тош-

кент шаҳар Совети қошидаги маҳалла, уй қўмиталари ва жамоатчилик билан ишлаш доимий комиссияси раиси Ш. Темуров, илмгоҳ ходимларидан Ф. Абдурахмонов, А. Исмомов ва бошқалар сўзга чиқиб, рўзнома таъсирчанлигини янада ошириш учун қайси мавзўларга кўпроқ эътибор бериш зарур эканлиги тўғрисида тўхтадилар.

Йиғилишида илмгоҳ ходимларининг [улар 113 киши] «Оқшоми»нинг эски баҳосида обуна қилиб, қолган қийматини эса илмгоҳ жамғармаси ҳисобидан мукофот тарзида тўлашга қарор қилинди.

САДУЛЛА ШОДИЕВ.
© СУРАТЛАРДА: Йиғилишида аъҳалар.
И. Шербек суратлари.

«Маҳалла» дастури — назоратимизда

ОБОДОНЧИЛИК ЭЪТИБОРДА

РАЙОН ижроия қўмитаси ўтган йилнинг охирида 19 та маҳалла қўмитаси раислари иштирокида «Маҳалла» дастурини ишлаб чиққанди. Бундан қўзғалган асосий мақсад шу пайтгача баъзи сабабларга кўра ечилмай келаватган муаммоларни ҳал этиш, яъни ижтимоий масалалар, шунингдек кўчаларни асфальтлаш, сув шохобчаларини тозалаш, канализация, водопровод новларини ўтказиш ва қайтадан таъмирлашдан иборат эди. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун бу йилга 755 минг сўм маблағ ажратилди. Ҳозирга келиб деярли 700 минг сўмлик иш бажарилди. Масалан, Зебунисо, «Байналмилал», «Заркент» ва бошқа кўчаларга асфальт ётқизилди. Маҳалла фаолларининг ёрдами билан бир қанча жойларда янгидан чойхона, томошагоҳ, новвойхоналар қурилмоқда. Жумладан, Чилонзор маҳалласида 120 ўринли янги томошагоҳ қуриб битказилди. «Чилонзор» ва «Волгоград» кўчалари кесишган жойда эса 100 кишига мўлжалланган отелар чойхонаси фойдаланишга топширилди арасида турибди. Бу ҳашаматли бино битгандан кейин шубҳасиз маданий-маърифий марказга айланди. Бундан ташқари «Катта Қозиробод» ва «И Чарх-Камолон» маҳаллаларида ҳам яқин келажакда чойхоналар бўлиши мўлжалланмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллаларнинг ўзида болалар муассасалари бўлишига ҳам катта аҳамият берилаяпти. «Қурилиш» ҳамда «И Чарх-Камолон» да ҳар биттаси 120 ўринли боғча ва эсли бунёд этиш 1991 йил режасига киритилди. Шунга ўхшаш қилинган ишлар жуда кўп. Масалан, тўртта янги новвойхона цехи, учта озиқ-овқат дўкони ва иккита поликлиника филиаллари очилди. «Москва» маҳалласида эса Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар учун мемориал ёдгорлик қурилди.

Маҳалла қўмиталари хоналари ва чойхоналарни таъмирлаш ишлари ҳам давом этмоқда. Булар учун райижроқўм 20 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратган.

Яна бир янгилик ҳақида гапирмоқчиман. Райондаги ҳар бир маҳалла қурилиш банкда ўз ҳисоб счётига эга бўлди. Келгуси йилда «Маҳалла» дастурини бажариш учун раён бўйича бир миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Фозил СОЛИЕВ,
Чилонзор район маҳаллалар ишлари мувофиқлаштириш кенгашининг раиси.



Ташкент чинчилари... Бугунги кунда уларни пойтахтимиздаги ҳар бир хонадонда кўриш мумкин. Кўпчилики манзур бўладиган уй-рўзгор идишларига безан туширишда Насиба Тоҳированинг ҳам муносиб ҳиссаси қўшилмоқда. Моҳир ишчи Тошкент чинни заводда 30 йилдан бери баранали меҳнат қилиб келаяпти.

СУРАТДА: Н. Тоҳирова иш устида.

Т. КАРИМОВ сурати.

Янги рукун: «Низом қандай бажарилмоқда?»

Юзхотирчилик ҳам эви билан-да!

Ҳурматли муҳаррират! Биз яшаётган Файзулла Ҳўжаев маҳалласининг Ермуҳамедов кўчасида болалар майдончаси кўриш учун жой ажратилган эди. Аммо ҳаммаҳалламиз Абулқосим Тўйчиев шу ерим кўзиники қилиб олиб, фойдаланишга беришни хоҳламапти. Бир неча марта раён раҳбарларига мурожаат этишимиз ҳеч қандай натижа бермади. Улар юзхотирчиликдан нарига ўтишолмапти. Шу масалада бизга ёрдам беринг.

Маҳалла аҳли номидан:
Неъмат Тошўлатов
Ориф Раҳимхўжаев
Ақбар Асадов
Абдурашид Набиев
Неъмат Абдурахмонов.

ШИНОЯТ хатини текшириб кўриш мақсадида Ермуҳамедов кўчасида бўлди. Зилзилдан сўнг бу жойларда иморатлар солина бошланганда каттагина майдон атайлик ташлаб кетилган, 42, 44, 46-уйлар орқароққа қурилган экан. Майдоннинг каттагина қисми сўм тўсиқлар қолгани эса ўтиб бўлмас шох-буталар билан ўраб ташланган. Ғишлар тахлами, қум уюми, цементланган ҳовуз, чинқидилар... Ана шундай манзара кўзга ташланади.

— Болаларнинг мактабдан бўш вақтларида кўча-кўйларда нима билан машғул бўлишларини билмай юришганини тез-тез кўриш мумкин, — деди маҳалла қўмитаси раисининг ўринбосари А. Асадов. — Бекорчи болалардан эса келгусида ким этишиб чиқиши барчага аён. Агар спорт майдончаси қурилса айна мурдао бўларди.

Раён лойиҳалаштириш бошқармаси томонидан бун-

дай иншоот учун жой ажратилган экан, нега шу пайтгача барпо этилмапти? Келинг, яхшиши шу йил, 23 августда маҳаллада ўтказилган мажлис протоколи билан танишиб чиқайлик. Ийгилишда маҳалла фуқароси

Маҳалла қўмиталари ўз худудлари доирасида: маданият муассасалари, спорт ташкилотлари орқали аҳоли ўртасида маданий-оқарув ишларини ўтказиш, бадий ҳаваскорлик, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ишларини ташкил қилдилар.

(Маҳалла қўмиталари Низомининг 11-қисми 15-бандидан).

Абулқосим Тўйчиевнинг А. Икромов район ижроқўмига чойхона қуриш ҳақида сўраб ёзган аризаси муҳомама қилинган.

Фазилат Жўраева (қўмита раиси): — Район ижроия қўмитасининг 1972 йил, 14 сентябрдаги 28/24 сонли қарорига кўра Тўйчиев, чойхона қураман деган жой хиёбон учун мўлжалланган. Аммо бизга биринчи навбатда болалар соғломлаштириш майдончаси керак. Ҳаммаҳалламиз эса буни тушунишни истамаяпти.

Абулқосим Тўйчиев (пенсияонер): — Маҳаллада яшаётганимизга 25 йил бўлди. Ўғлим анчадан бери бетоб. Унга чойхона очиб берсам

руҳи кўтарилиб, ўял соғайиб кетса, деб ўйлагандим. Абдувакил Абдурахмонов. (Маҳалла фуқароси): — Бизда битта чойхона бор, ҳозирча етарли. Қўшниларингиз сиздан норози бўлиши керак, бирортаси мажлисга келишмади.

Ўткир Алиев (маҳалла фуқароси): — Чойхона қуришнинг зарурати йўқ. Ўтган йилгилишларда ҳам шу жойни болалар соғломлаштириш майдончасига айлантириш ҳақида келишиб олган эдик. Афсуски, қарор икросиз қолди.

Ориф Раҳимхўжаев (пенсияонер): — Ер давлатники ва маҳаллага тегишли. Абулқосимнинг эгаллик қилишга ҳақиқи йўқ. Чойхона қурилишига қаршиман.

Хуллас, мажлис аҳли болалар учун соғломлаштириш майдончаси қуриб, жиҳозлар билан таъминлаш ҳақида қарор қабул қилди. Лекин бу ҳали иш ҳал бўлди, деган гап эмас. Токи Абулқосим ана Тўйчиев маҳалла жамоаси билан тил топшмагунча қарор қорғозда қолиб келмоқда. Жойни зўрлик билан тортиб олишга эса андиша йўл қўймайғир.

Районқўм томонидан қарор қабул қилинганга 18 йил бўлибди. Шу вақт ичинда қанча тортишувлар, мажлислар, қарорлар ҳеч қандай наф бермади. Болаларга эса чиниқиб, спорт билан шуғулланишга шароит йўқ. Хўш, юзхотирчилик яна қачонгача давом этаркин?

А. АБДУРАХМОНОВ,
ТошДД рус филологияси кулّيётининг 5-курс талабаси.

Фаол жамоалар

ҲАМИР УЧИДАН ПАТИР

— Маҳаллада кейинги икки йилда нима ишлар қилинди?

— Очиги, депутатларимиз ёрдамида ободончиликка эришяпмиз. Масалан, марказда машиналар туриши учун жой ажратдик. Бу билан темир йўл, болалар поликлиникаси ва чойхонага келувчиларнинг шахсий машиналарига қўлайлик яратилди. Епиқлик ота қабристонига борадиган йўл кенгайтирилди. Ёдгорлик теварак-атрофини тартибга келтириб, темир панжара билан тўсдик. 20-30 фоиз хонадон телефонлаштирилди. Бир неча марта ҳашар уюштириб, кўча, боши берк кўча ва ўтувларни ахлатдан тозалادик.

Айни кунларда маҳаллада яна бир хайрли ишга қўл урилган. «Новий путь» кўчасининг учинчи ўтуви, «Самолётний» кўча ва унинг ўтувларида канализация ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Бундай тадбирларни амалга оширишда фаоллар ўрнат қўрсатмоқдалар. Айниқса Ежуб Ишматов, Лутфилла Файзахўжаев, Норқўзи Пулатов, пенсияонер Рафиқ Собиржонов, оқсоқоллар кенгашининг раиси Қўқор ака Эшматовларнинг хизмати катта бўляпти.

Маҳалла чирой очмоқда. Турли миллат вакилларида иборат жамоа бир оиладек аҳил, ҳамжиҳат. Шунинг учун ҳам ҳар бир оилада тинчлик, хотиржамлик ҳукм сураляпти.

— Бу кўрганларимиз ҳамир учидан патир, — деди Ленин район ободонлаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдулла Вотиворов, — Сабаби, фаоллар олдида катта вазифалар турибди. Маҳалланинг бир ярим йиллик ҳисобот-сайлов йиғилишида айтилганидек, ёдгорлик ёнида тўй ва мажлис ўтказишга мўлжалланган томошагоҳ, дам олиш хоналари қуриш режалари бор. «Самолётний», «Новий путь», «Лазо», «Криворожский» каби кўчаларга ариқлар қазиб, сув чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатувчи маданий-маиший шохобчалар бунёд этиш ҳам мўлжалланаёпти.

Исматулла РУСТАМОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Марҳамат, сўрайверинг

С. ОЛИМЖОНОВА: Алимент тўламасдан, яшириниб юрган бир отага миллионга қидирув эълон қилди. Бундай ҳолда бола учун давлат томонидан ёрдам белгиланганими!

бош тортиб, турар жойини яширган, шу муносибат билан икки ишлар бўлими томонидан қидириляётган ота-оналарнинг фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида имтиёзлар белгиланган. Бир

бола учун 20 сўм, икки бола учун 30 сўм, 3 бола учун 40 сўм, 4 ва ундан кўп бола учун 50 сўмдан нафақа тўланади.

Бу масала бўйича яшаш жойидаги социал таъминоти бўлимига мурожаат қилиш зарур.

Ш. ОБИЛОВ, К. МУРДИ-

НОВ: Бир қўшни иккинчи қўшнисининг деворини бузиб, унинг ҳовлисига 4 метр киритиб иморат солди. Келтирилган зарар қандай тартибда ундириб олинади!

ЖАВОБ: Ўзбекистон ССЖ Гражданик кодексининг 479-моддасига асосан гражданиннинг шахси ёки мол-мулкига келти-

рилган зарар тўлиқ қопланиши керак. Агар зарар етказувчи ўз ихтиёри билан бу ишни қилмаса у ҳолда даввагар низоми ҳал қилиш мақсадида район (шаҳар) халқ судига мурожаат қилиши мумкин.

А. ҲАСАНОВ,
ҳўқуқшунос.

МИРМАХМУД эккан уч туп анор бу йил хосилга кирди.

— Қани энди ўғлим келсаю, ўз кўли билан анорларни узса, — дейди Рамауза опа. Унинг сўзларида қанчалар ўқинч ва ҳижрон.

— Адаси Тожикистондан келтирган анорни яхши ният билан ниҳолга айлантирган эди, ўғлим. Кўп нарсага қодир эди, кўлидан гул унарди.

Оназорнинг кўзларига ёш қалқди. Уч фарзандига атаб ўтказилган уч туп анор нишона қилди.

Феруза билан Олимжон хомуш узинчи тупга тикилишди. Бу акаларнинг анори. Қип-қизил анорлар «Мана бизнинг ўз эгалимиз қайда!» деяётгандай.

Феруза ҳар куни акасининг хонасини су-пуриб-сидиради, саранжом-саришта қилиб қўяди. Мирмахмуднинг қайтишига барча интизор. Ҳеч ким унинг ўлимига ишонмайди. Чунки Мирмахмуд хизматга кетиш арафасида айтган гапларини яхши эслашди.

— Ердамчим кетди, деб қайгурманг. Мен, албатта қайтаман.

Синглиси, 15 ёшли Феруза ва 10 ёшли Олимжонга қараб:

— Йўқлигини билдирманглр. Хонамдаги тартибни бузманг. Қайтиб келганимда уни биргаликда қайта жиҳозлаймиз. Мени кутинглр. Албатта қайтаман, — деган эди.

Унинг бу сўзларига ишонса бўларди. Чунки Мирмахмуд бир сўзли йигит. Айтганини бажарадиган. Спортчи бўламан, деди. Самбо кураши бўйича разряд олди. Уста бўламан, деди. Радио-телеусталар курсини биткириб, кўли гул уста бўлди. Уқийман, деди. Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари илмгоҳининг автоматика-телемеханика куллиёти талабаси бўлди.

Уни ҳарбий хизматга қақришганида курувчилар батальонига ёзишди. Аммо у десант ёки муҳандис қисмга юборишларини

сўраб, аҳдида қатъий турди. Илтимоси инобатга олинди, сапёрлар бўлинимасига жўнатилди. Чинакамга хизмат қилишни, ҳарбий касбининг устаси бўлишни хоҳлади. Ва бунга эришди. Унинг қуролдош дўсти, гвардия сержанти, Бухоро вилоятидаги К. Маркс номли жамоа ҳўжалигидан Авазбек Фахи-

билим ва малакали курсант сифатида билар ва чуқур ҳўрмат қиларди. Биринчилар қатори унга кичик сержант унвони берилди.

Ушш тугагач эса рота командирини капитан Родионов Мирмахмудга фҳарлий таклиф — бўлинимада устоз-инструктор сифатида қолишни таклиф қилди. Аммо у биз билан Афғонистонга кетишини айтди. Чунки унда ўртоқлик, биродарлик тўғрисида кучли эди. Қерда қийин, мушкул бўлса ўша ерга биринчилар қатори боришга одатланганди.

Жалолободда муҳандис-сапёрлар ротасида Мирмахмуд бўлинима командирини сифатида ўзининг аjoyиб сапёрлигини намойиш қилди. У душман минларини топиш ва зарарсизлантиришда катта маҳорат кўрсатиб, барчага намуна бўлди. Мен тошкентлик бу йигит билан бирга хизмат қилганимдан фҳрланаман.

Ана шундай мактублар ва хотиралар Мирмахмуд сиймосини монлантириб, уни қандай йигитлигини кўрсатиб туради. Кўмондонлик хабарномаси, «Қизил Юлдуз» ордени, жанговар медаллар, ҳарбий либослар Мирмахмуд хонасида турибди. Худди у ҳозиргина хонадан чиқиб кетгандек...

Рамауза опа, Мирсаъди ака, Феруза ва Олимжон ҳар бирларига алоҳида-алоҳида аталган хатларни қайта-қайта ўқишди. Уларда мард жангчи, меҳрибон ўғил, ғам-хўр ака сиймоси гавдаланади. Уларда Мирмахмуднинг қайноқ нафаси уфуриб тургандек.

«Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасидаги 2-ўй ҳовлисида уч туп анор нишона қилди. Қҳрамон жангчи Мирмахмуд Аҳмедов эккан анорлар ҳосилга кирди. Оназор бу анорларни ўз кўли билан эккан ўғли узинишн истаydi. Қани энди Мирмахмуд ўзи қолдирган яхши ном, боғига қайта эга бўлсал! Умидли дунё...

Ҳамдам СОДИҚОВ.

Умидли дунё

УЧ ТУП
АНОР

ров ўз хотирасида шундай ёзган эди: «Мен Мирмахмуд билан Ашхободда 1987 йил, 8 июлда танишиб, бирга хизмат қилдим. У биринчи кунларданок бошқалардан ажрелиб турарди. Ҳарбий тайёргарлик ишларида билимдон, пухта, ҳавасидан ташқари ўз тарбияси, қувноқ ва очик кўнгиллиги билан ўзига мафтун этарди. Шунинг учун ҳам вазод йиғилишида уни қомсомол котиблигига сайладик.

Сапёрлик мутахассислигини пухта эгаллаш, билимга, техникани тушунишга интилиш борасида Мирмахмуд бизга намуна эди. Унинг қиёфасидаги буюк саховат, олижаноблик ва инсонпарварлик доимо ўзига маҳлиё этарди. Уни солдатлардан тортиб сипоҳигача, барча шахсий состав қўри



Донобувага хат

ДИЛДА ГИНА
БЎЛМАСА

Хурматли Донобува!

Рўзнома саҳифасида Сизга дил сўзларини тўниб солган хат муаллифининг ҳасратини ўқиб, кўлинига қалам олдим. («Кўшним мени нечирариман?») Ноаҳхиллик кўшни тарафга иморат қуришдан бошланибди. Иморат қуришга руҳсат берган ён кўшнни анча тузуи одамга ўқ-шайди. «Оббо, жуда баланд бўлиб кетибди, бу нимаси?», дейишда ва «Раъно опа, дадам энди бу ёғни пастроқ қилишсин, баланд бўлиб кетибди» деб, угли орқали эслатишсин ўзи фикрини қувватлапти.

Халқимизда: «Ҳовли олма, кўшни ол», деган ҳикматли гап бор. Ен-атрофдагилар билан аҳил яшаш учун ўта эҳтиёт бўлиш, гина-қудуратлардан ҳоли, беозор бўлиш керак. Рост, айрим хонадон соҳиблари иетини уйламай, қайсарлик қилиб кўшнларини ҳўрмат қилишмайди, менсншмайди.

Хатда ёзилишига қараганда кўшннинг аҳволи оғир, албатта. Эр-хотин, лъин онла бошлиқлари нетма-нет насалхонада ётиб чиқинининг ўзи бўлмайди, ахир. Муаллифининг «...қинида у кишининг умр йўлдоши насалхонада бир ой ётиб келди. Бирров кўриб чиқинг учун бир неча марта қаранат қилдим. Аммо кўшннинг гаплари эсимга тушиб, ўзини тўхтатдим», дейиши ноҳақ эмасмикан, Донобува!

Меннинг ҳам чор атрофим ён кўшнлар. Бирн иморат қуриши учун гншт сўради, кейин олганини тониб кетди. Номини ёмон отлиқча чиқармай қўяломай, деб ҳеч нимга арз қилмадим. Икинчиси уйим дөворига ёғоч ташлаб, дарвоза ва болахона қурди. «Бунинг эвазига уйингизнинг орқасини устага суватиб бераман» деди. Иш битгаг ваъдасини унутди. Учинчи кўшннинг эса, ўзи қурилиш бошлиги бўлатуриб, иморатини бир неча метр кўтариб, ҳовлимизга тушаётган жинданкина куёш нурини тўсиб қўйди. Бу жойлар ҳаммадан ҳам нойиб кетади, кинини кўзи мол-дунёга тўйнод, деб ўзимни босдим.

Кўшнларини нима деса «хўп» дейман. Уларни сира ҳафма қилгим келмайди. Бирор гап ўтгудек бўлса, ҳар сафар биринчи бўлиб салом бериб, кўнглларини кўтараман. Шунда инсофга келишди.

Сирасини айтганда кўшнларни қариндош-уруғларимдан ҳам афзал кўраман. Сабаби, бирор йиғин қилсак ёни оғир кунларимда биринчи навбатда уларнинг фойдаси тегади.

Аназ Донобува! Хат муаллифига айтмоқчи бўлганим, кўшниси уни албатта нечирарди. Фақат, дилда гина бўлмаса бас. Аҳил яшаш биринчи галда ўзинизга боғлиқ эканлигини унутмайли.

М. ШОЕҚУБОВА,

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг ишчиси.

Умрбоқий меросимиз

ҲАММАСИДАН
ВОЗ КЕЧИШ КЕРАКМИ?

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Себзор даҳасидаги эски иморатлар бузилаётганда бир гуруҳ хорийкий сайёҳлар миллий меъморчилигимизни томоша қилётганини кўрган эдим. Уларни қизиқтираётган нарса халқимизнинг қадимий турар жойлари, хоналар бир-бирига туташлиги, пол ўрнига тупроқ-бўйра, фанер ўрнига тоқивассалар, тўсинлари устига ташланган қалин тупроқ, лой сувоқларию, айниқса бежирим таҳмон ва тоқчалари эди. Айни шуларни фотоаппарат ва кинокамераларда суратга туширишар, куйиб-пишиб ўз тилларида нималарнидир гапиришарди.

Таҳмон ва тоқчалар... Сағбон, Қорасарой, Самарқанд дарвоза ва бошқа жойлардаги шу кунгача бузилмай, одамлар яшаётган таниш хонадонларда уларни кўп кўрганман. Узига ҳос кўри, салобати ва файзи бор.

— Ҳалиям ўзимизнинг эски, синчли, кўримсизгина ҳовлимиз тузукка ўхшаб қолди, — деди қорасаройлик Меҳри ая Толипова. — Тақир-туқир мебеллари йўқ. Таҳмон, тоқчаларни келим бўлиб тушганимда эски шаҳардаги сандиқчидан олган сандиқ, қутилар, кўрпа, ёстиқлар, уёқ-буёқдан йиғилган чинни, мис, сопол идишларини беазаб турибди.

Самарқанд дарвозалик Башорат ая Қаҳҳорова билан суҳбатлашганимда шундай дедилар:

— Ҳозиргилар «домда яшашаяпти. Аммо хоналари кўп бўлса-да снгишмайди. Мебель кенг жойиниям тор қилиб қўярган. Бир кунн қизимниқига опа-сингиллар меҳмонга боргандик. Бемаҳалда қайтмай, ётиб қолаётган деганимизда мебеллардан айримларини сўриб, жой солиб аранг снганмиз. Ушанда ўзимизнинг таҳмон, тоқчали уйимизга меҳрим янада товланди.

Тўқсонга чиқай деб қолган аяжонлар ҳақ гапни айтишди. Улар ҳаётдан сира нолишмаяпти. Фақат жойни банд этиб, хоналарни торайтириб бораётган мебеллар, оверупача қурилаётган бетон уйлар ҳақида фикр билдиришмоқда.

Миллий уйларнинг тўридан муносиб ўрин олган кўш таҳмон, улар ўртасига қурилган ихчамгина киртоқча ва бир тараф деворлари бўйлаб бир қанча тоқчалар рўзгор буюмлари жойлашишида қулайгина бўлиб қолмай хоналарнинг ўзига хос безаклари ҳамдир. Хоналар кенглигига ҳалаф бермайди.

Нафақат Тошкент уйларида, умуман шарқ халқлари меъморчилигида таҳмон ва тоқчалар бўлганлиги маълум. Шулар қадимдан ҳозирги «стенка», «шифонер», «сервантлар хизмати» бажариб келади. Улар оддий лой, гувала, синчлардан қурилиб, сомон сувоқда сувалган.

Кейинчалик, XIX—XX асрларга келиб гандан ишланган таҳмон ва тоқчалар меъморчилигимиз чиройига чирой қўшди. Безаклари уймакорлик ва наққошликда кўринди. Таҳмон ва тоқчалар нақшларида ҳар бир жой табиати акс эттирилди. Масалан, Тошкентда анвойи гуллар, мажнун тол, қушларнинг расмлари тасвирланиб кишига заъқ бера бошлади. Бир-бирига ўхшаш, ёппа, текис тоқчалардан ташқари меҳмонхоналар учун алоҳида коса, пилёла, лаган, чой идиш, ҳатто чилим кўйиладиган тоқчалар мажнуд эди. Ота-боболаримиз яна шундай уйларда камтарона ҳаёт кечирншган. Миллий меъморчилигимиз қадрига ётаётган хонадонларимиз ҳозир ҳам кўплаб топилади. Шундай экан, бу меросларимизнинг ҳаммасидан воз кеча бериш ўринлими!

Махмуд АҲМЕДОВ,

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг катта илмий ходими.



© ТОШКЕНТ — ТҒИЛАР ШАҲРИ.

Д. Аҳмедов суратлари

ОҚВОЙ ТОҒА



© Хайёл оғушида ҳам гузалсан...

«БЕКОВОД» маҳалласида Оқвой тоға номи билан машҳур дуторчи яшарди. Мен у кишини Улуг Батан урушидан сўнг кўп кўрганман. Чойхоначи ва сартарошлиги билан ҳам кўпчиликл олқинини олганди. Уша кезлари собиқ Сталин номидаги жамоа хўжалиги чойхонаси ниҳоятда ораста эди. Енгинасидан ўтган анҳор устидаги сўнда Оқвой тоға чалаётган миллий куйлар ўтган-кетганларга завоқ берарди. Йўл-йўл беқасам тун, баҳмал дўппи, ихчамгина кўйилган соқол-мўйлови ўзига жуда ярашарди. Виз ўйинчароқ болалар чертилаётган дутор куйига маҳлиё бўлиб, созаида ёнидан жилмас эдин.

Чойхона кундуз кунлари анча жим-жит, кечкурун эса бир мунча гавжумлашарди. Оқвой тоға бунш пайтларини сира бекор ўтказмасди. Хоҳ одам бўлсин, хоҳ бўлмасин самоварда чой қайнаб турши, озодаликка ниҳоятда эътибор берилиши ҳаммага

ёқарди. Айниқса дутор чертилишидан таралувчи ёқимли куйлар чойхонага келганларга ором бағишларди. «Муножот», «Чертмак», «Оромижон», «Тўрғай» каби куйларни Оқвой тоға қойилмақом қилиб чалганда тингловчилар бошини куйи ташлаб, тебраниб тинглашлари мени ҳайратлантирарди. Кўпчилик санъаткордан «Тўрғай» куйини чалиб беришини ялтимос қилишарди.

Айтишларига қараганда, Оқвой тоға урушга жунаган пайтларида ҳам дуторни тарқ этмабдилар. Рус гармони билан бирдек ўзбек дутори ҳалоскор жангчиларга ҳамроҳ бўлибди. Оғир дамларда Оқвой тоға бир нафас ўзбек ўғлонларига дутор чалиб бераркан.

Ҳа, айтгандай Оқвой тоға бироз оқсаб юрарди. Бу жанг асорати экан. Доим қувноқ, хушмуомалалиги, камтарона кўриниши билан ҳаммага ёқарди. Урушда бир неча марта яраланган бўлишига қарамай ҳаётга

меҳр билан боқиб, барча дардин енгиб келарканлар. «Тўрғай» — ҳақиқ куйи, дейилса-да Оқвой тоға уни қайта ишлаган. Тонгда ҳаммадан барвақт уйғониб, сайраб-сайраб осмону фалакка парвоз қилаётган сўфи тўрғай ҳаракатларини дутор орқали ифодалаб беришга муваффақ бўлган ҳақида уни билганлар кўп гапиряшади.

Ингин, тўй-ҳашамлар Оқвой тоғасиз ўтмас эди... Каттагина анжуманда кимдир ҳазиллашибди, кўпчилик олдида хижолат торттириш учунми, пайт пойлаб дуторнинг бир торнин узиб қўйибди. Кўпни кўрган Оқвой тоға бу аҳволни сезса-да, ҳеч кимга сир бой бермасдан биргина торни тезлик билан созлаб, «Тўрғай»ни маҳорат билан чалибди.

Дуторчи Оқвой тоғанинг обрўси шу кундан бошлаб, олдингисидан кўра янада ошиб кетган экан.

М. РАМАЗОНОВ.

Ўрнак олса арзийди

РИШТОН ЎРИКЛАРИ

ФАРҒОНА водийсига қачон бормай ёзда ўрик, қишда эса туршак билан сийлашади. Ҳар бир оилда шундай. Қизиқиб кўрсам ўрик экилмаган хонадоннинг ўзи йўқ экан.

Айниқса Риштон қишлоқларида сапсарик бўлиб товланиб пишувчи ўрикларни кўриб кўзингиз қувонади. Мевасини тотиб кўрган киши унинг бошқа ўриклардан фарқи борлигини дарҳол сезади. Асалдан ширин, мазази озингизда қолади.

Ўриқни минг дардга даво, дейдилер. Чет мамлакатларда, масалан Японияда меваси дори сифатида дориҳоналарда сотилар экан. Дунёдаги мавжуд 500 хил ўрик-

нинг энг яхши навлари Ўзбекистонда етиштирилиши бугун ҳеч кимга сир эмас. «Муллақанди», «мирза», «оқ», «хурмойи» «исфарақ», «қантак», «юмалоқ» каби навлари бор. Лекин ягона турдаги «учма қантак» фақат Риштонда етиштирилади. Унинг туршаги ҳам мазасини йўқотмайди.

Қани энди пойтахт маҳаллаларини ҳам ўрикзорга айлантирсак. Ҳеч бўлмаса хонадонларга киревериш ёки ҳовлига бир тулдан экилса, Шунда бизнинг уй бекаларимиз ҳам меҳмонни ёзин-кишин ўрик билан сийлашлари мумкин.

Юнус ҲАКИМОВ,
ҳаваскор болбон.

Қизиқувчилар бурчаги

НОМЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?

ДАҲА (асли қадимги сугдча деҳа — қишлоқ) — Ўрта Осиёда шаҳарларнинг бир бўлаги, маъмурий бўлиниш. Туркистон Россияга қўшиб олингандан сўнг қишлоқ жойларда даҳа ўрнига «волость» таъсис этилган эди. Масалан, Тошкент шаҳрида Ортаёриқ инқилобига қадар Қўлча, Бешёғоч, Себзор, Шайхонтоҳур даҳалари бўлган. Самарқанд вилоятига қарашли волостларда даҳа бошлиғи волостной, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида эса мингбош деб юритилган.

МАҲАЛЛА — шаҳар ва қишлоқларда аҳоли янайдиган маъмурий-ҳудудий бирлик мавзе. Инқилобгача маҳаллалар 50-150 хонадондан ташкил топиб, даҳа таркибига кирган. Маҳалла ҳайъатига сайлаб қўйиладиган элликоши раҳбарлик қилган. Элликоши уй-жойларнинг олди-сотдиси, тўй-маърака маросимларини уюштириш ва ўтказиш, ҳайрлар ташкил этиш, низоларни бартараф этиш ишларига бошчилик қилган.

ҚУРУЛТОЙ — кенгаш, мажлис, съезд — турк-мўғул халқларида хон сайлаш ёки бошқа муҳим давлат ишлари бўйича чақирилган кенгаш, съезд; унда хоннинг балоғатга етган қариндош-уруғи,

ТАРИХИЙ

БИЛАСИЗМИ?

қабилла бошлиқлари ҳамда руҳонийлар иштирок этган.

ШАҲРИСТОН — ички шаҳар — ўрта аср Шарқ шаҳарларининг девор билан ўралган, мустаҳкамланган катта қисми. Бу ерда арк, масжиди жомий, йirik мансабдор ва бадавлат кишиларнинг уйлари, қамоқхона ва бозорлар жойлашган.

СУҲУЛА — авлодлар, авлод-аждод, уруғ — бир уруғ ёки бир шахсдан тарқалиб бирин-кетин ҳукмронлик қилган подшоҳлар сафи. Масалан, Россияда Романовлар, Ўрта Осиёда Шайбонийлар сулоласи.

ОҚСОҒОЛ — соқоли оқарган киши, кенса-қабилла, уруғ бошлиғи; ўрта асрларда қишлоқ жамоаси бошлиғи; инқилобга қадар Туркистонда даҳа бошлиғи.

ОИЛА ЖАМОАСИ — патриархат даврига хос катта патриархал, хусусий оиллага уюшган кишиларнинг хўжалиқ ижтимоий ва гоъвий уюшмаси. Ф. Энгельснинг сўзлари билан айтганда, онанинг жамиятда ҳал қилувчи ҳуқуққа эга бўлиши ва кишиларнинг бир-бири билан умумий никоҳда бўлиш босқичидан шахсий оила қуриш босқичига ўтиш даврига хос ижтимоий ва гоъвий бирлик.

ХАНДАЛАР

— Азизим, янги турмуш қурган пайтингда нуқул «уйига кетаман», деб хархаша қилардинг. Негадир кейинги пайтларда бу ҳақда гапирмай қўйдинг.

— Унда ижарали уйда яшардим. Ҳозир ҳовли-жойимиз, гарнитур, машинамиз борда.

* * *

— Азизим, жадал тузиб чиқдим. Ме-

нинг оймникига бир ойда икки марта бориб тураман.

— Яхши! Қайнонангизникигачи!

— Икки йилда бир марта... * * *

— Дада, гилам қоқайтиб, танга топиб олдим, нима қилай?

— Гиламини яна қаттироқ қоқ...

Сирожиддин ОБИДОВ.

Акс садо

«ЭХ, СЇЗ ЭРКАКЛАР!»

Юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолани («Маҳалладош», 19-сон) ўқиб жуда таъсирландим. Ҳақиқатан ҳам баъзи эркаклар умр йўлдошига меҳр кўзи билан қарамайди. Нега шундай? дейман ўзимга ўзим. Унинг соғлиғи, унинг хотиржамлиги, унинг шодлиги сенинг учун керак-ку, ахир.

Аёл ердан чиққанмас, у ҳам эркак боласи
Эркак кўндан тушганмас, аёл унинг онаси,

дейлади қозоқ мақолида. Ҳа, у инсон, уни қадрлаб яшасанг фойдадан ҳоли бўлмайд.

Бир кун кечки пайт ишдан келсам аёлим ошхонада хамир ёйапти. Ҳурмат юзасидан салом бериб сўрайман.

— Ҳа, онаси, нима ҳаракат?

— Сиз яхши кўрган овқат — чучвара қилаяпман. Углингиз гингишиб қўлимни тутиб қолди, уни бешикка белаб, кейин ундим.

— Ҳечқиси йўқ, ҳозир мен қарашиб юбораман.

— Қўйинг-е, кўшилардан бирортаси кириб қолса, нима деймиз.

— Қайтанга яхши бўлади, эр-хотиннинг иноқлигини қара, биргаликда овқат қилишяпти, деб ҳавас қилишсин. Хуллас, хотиним ёнида туриб чучвара туғишга киришиб кетдим. Ҳўш, Бунинг нима айби бор?

Яна бир мисол. Қўшинимиз тўй қилаётган эди. Кечки пайт сабзи тўғраш учун чиқмоқчи бўлдим. Кўйлагимни кийсам бир тўғмас йўқ. Умр йўлдошимга айтиш мақсадида ошхонага бордим. У овқат пиширётган экан. Нима қилиш керак! Айтмай десам менга қарагунча қозондаги масаллиқ куйиб кетади. Орқамга қайтиб, игнага ип ўтказдимда тугмачани ўзим қадаб, тўйга чиқиб кетдим.

Шахсий ҳаётимдан бу мисолларни ўзимни мақташ учун келтирётганим йўқ. Истагим, барча эркаклар ҳам аёлларга ана шундай ердан беришса. Шундагина ўрталаридаги меҳроқибат мустаҳкамлениб бороверади.

Маҳкам ҲАКИМОВ,
жиддат кенсаси.

ОДОБНОМА

Маънавий
қадриятларимиз



Қандай қилиб
ихтирочи
бўлиш мумкин?



© ҚАДР ҚИЛГАН — ҚАДР ТОПАДИ

Р. Альбеков сурати.

И братли хикоятлар

Хайриятки, унутлабган маънавий қадриятларимиз тикланмоқда. «Фан ва турмуш» ойнамасида Муҳаммад Пайгамбар ҳадисларининг эълон қилиниши «Шарқ Юлдузи»да Куръон сураларининг чоп этилиши, «Оқшом»да «Одобнома» саҳифасида чиқа бошлагани бунинг далилидир.

Халоллик

Бир йилгидея бор экан. У чўпонлик қилиб, ўз тирикчилигини ўтказар экан. Бир кун у молларни ўтқоққа ёйиб, ариқ бўйида ўтирсак олма оқиб келаётганмиш. Ингит бир томони сариқ, иккинчи томони қип-қизил олманга тутиб олибди. У тарам-тарам пилган олманга кўриб, оғзининг суви келибди ва олманга иштаҳа билан ея бошлабди. Яرمىсини егач ўйлабди қолдики:

- Менинг бир қизим бор. Гап шундаки, унинг оёғи ногирон, кўзи сўқир, тили йўқ, қулоғи нар, агар шу қизимга уйланишга рози бўлсангиз, мен ҳам розиман.
- Қизимга сиз айтгандек, эмас-ку ота, — дебди.
- Эҳ, ўғлим-а, — кулибди чол, — оёғи ҳушқон деганим бу сининг руҳсатингизни ҳеч қаерга бормайди, тили йўқ деганим аса, бўлар-бўлмади йингит.

МАДАНИЯТЛИЛИК БЕЛГИСИ

ПЕДАГОГ бўлиб ишлаётганимга 20 йил бўлди. Бу йиллар мобайнида устозлардан кўпгина таърибни ўргандим. Лекин кўп нарса ўргандим, деб бир жойда қотиб қолиш ярамайди. Биз ўқитувчилар доимо иланишимиз даркор. Шундангина ёш авлодга чуқур билим ва тарбия бера оламиз.

Эсимда бор. Онам «Қизим, ўзингдан каттага ик қарама, ҳеч қачон гап қайтарма, қиз бола инфатил, ҳаёли бўлади. Шу томони билан унинг гўзаллиги кўриниши» дер эдилар. Кечкурун кўчага чиқармасдилар. Ойна жаҳонни кўришга ҳар замонда руҳсат берадилар. «Дарсини қил, бўлмаса қўлингга игна олиб ўл-булли тикишни ўрган», дедилар. Ҳозир ҳам фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қилиб, ҳаммасининг ўз вақти борлигини уларга уқдириб, ўзбекна урф-адатларни қалбларига сингирсак, қизлар уй-рўзгор ишларини, бичиш-тикишни ўргансалар нур устига аъло нур бўлур эди. Ойна жаҳонда ҳам бўлар-бўлмас кинолар ўрнига ахлоққа доир ҳурраятлар кўпроқ бўлса мақсадаги мувофиқ бўларди.

бўлиб келганларида доим қўлларида араб алифбосида битилган китоблари бўларди. Улар ушбу китобни мутлақ қилиб, бизга кичик-кичик хикоятлар айтиб берадилар. У пайтларда анча ёш эдик. Вафотларидан кейин у китоблар қаерда қолгани бизнома-лум. Лекин у хикоятларнинг баъзилари ҳамон ёдимизда қолган.

Хунарнинг хосияти

ҚАДИМ замонда бир ҳарман одам бор экан. У эртадан кечгача тинмай меҳнат қилар, тақ-туқ қилиб, эгар-жабудуқ исар, эртасига ўша махсулотини сотиб, бола-чақасини боқар экан. Олдаси ниҳоятда аҳил, ҳам-жиҳат бўлиб ишар, борига сабуру навоат қилиб, кун кечирар экан.

Меҳриғиё уруғи

Бир доғиманд бор экан. Бир кун унинг ёнига бир киши таъриф буюрибди-да: «Э, доғиманд, менинг фарзандларим жуда кўп. Қандай қилсам улардан меҳр-оқибат, роҳат-фароғат кўраман?» — деб савол берипти.

ЁЛҒОННИНГ ТУҒИЛИШИ

БОЛАНИНГ тили чиқиб, телопга қилиб кўчага ўзи юриб чиқадиган бўлиб қолди. Унинг туртириб кетиб, йиқилиб тушишини, кўларини бир-бирига қовуштириб, оғзини катта очовилиб осмонга қараб йиғлашини, овуғданда роҳатли кулгисини эшитиб, чала-чулла гапирисларидан ҳаммамиз беҳад қувонардик. Унинг бу одат ва қилиқларидан завққа тулиб, ҳеч эриқмасдик.

ТУРЛИ-ТУМАН воқеаларга бой, ола-тасир замонамизда ахлоқ-одоб ҳақида гапириб дастлаб гўё эришдек туюлади кишига. Дарҳақиқат, ҳамма нарса тақуиллашиб, ҳаёт кечириб оғирлашиб бораётган бир пайтда одамлар олдида ундан ҳам муҳим ва зарур муаммолар тоғдек уюлиб ётибди. Бироқ жамиятимизнинг шу аҳволга тушишида, ҳамма «Ўзинг учун ўл етим» қабилида ўзи билан ўзи ёнора бўлиб қолишида, аввало маънавий қадриятларнинг унутилиши-ю, ахлоқ-одобимизнинг таназзулга юз тутиши ҳам сабабчи эмасмикан? Минг йиллардан бери инсоний ахлоқ-одоб дарахтини ўз ёзуви билан воғга етказган эътиқод булогини кўмиб, одамларни янги қазилган булогининг ҳали тиниб, чуқуллашмаган лойқа сувидан ичишга мажбур этдик. Оғайдан аввалги булог сувининг тазлими кетмаганларнинг, янги булогнинг бўтана сувидан тоғиш астамаганларнинг баҳридан ўтдик. Бунга кўрағач янги булог сувини мақтаб-мақтаб ичадиганлар кўпайди. Эсин ахлоқ-одоб дарахти бу шўр, лойқа сувдан қуриди, шарқа қилмади, билгачки уни кўпориб янги, бошқа навли одоб дарахтини ўтказдик-у, лекин у биз кутгандек тезда ҳосилга кирвермади. Шундай шитоб билан порлоқ келасанга итилар эдик-ку, кўби туришга фурсатимиз жуда оз эди. Янги эътиқод булогининг сувига тўйдириб қонитирилган олим шонр, фозилу фузалоларини жамлаб, шундай улкан, буюк, гўж-гўж мевадан шоҳи ерга тексан одоб дарахтининг суратиши чизиб бўлоқ боғинга ўрнатдик, янги ниҳолимиз эса унинг соясида қолди кетди.

Ўзингдан чиққан балага — қайта бораёй давога дегандек, мана энди доғимизни кимга айтишни билмай, ўзимиз пиширган оғини айланми ҳам ичаримиз, ўргилиб ҳам ичаримиз. Лекин вақти-вақти билан рўй бериб турадиган

ЭЪТИҚОД БУЛОҒИ

кучли шамол магизини пўчқондан ажратганидек, сохта дарахтимизни қулатиб, кўмилган эътиқод булогимиз кўзини очди. Афсуслик баъзи одамларимизга асрлар давомида қалбларга маънавий бойлик бахш этиб келган бу эътиқод булогининг ширин зилол оби ҳаёти эриш туюлмоқда.

Эътиқод булогидан баҳра олган инсоний қадриятларимиз ахлоқи билан ҳавойи-нафсага берилган эътиқодсиз кишининг одоби орасида зоҳиран деярли тафовут бўлмаса ҳам аммо боғини узар ер билан осмонча фарқ қилади. Эътиқодсиз кишининг кийиниши-ю, жамоатда ўзини туттириши, то одамлар билан муносабатига бачча хулқ-одоб ўзининг шахсий манфаатига бўйсундирилган бўлади. Бундай кишилар ўз дийдорларига зор бўлиб ётган ота-оналарини кўришга қўлларни тегмайди-ю, аммо санаторийда дам олаётган хўжайинларини кўндал, кун ора халта-халта нарса кўтариб зиёрат қилишга вақт топадилар. Ўз қабулларига келган содда қаринини «Ҳа, қалайсиз бобой? Бекор келибсиз-ку!» деб қаршилашни одобсизлик санамайдилар-у, лекин мансабдор шахсининг ити ифлос тумшугини кийимларига суркаганда уни «кет» деб нари ҳайдашни одобсизлик ҳисоблайдилар.

Адади беҳисоб нарсанинг қадри паст бўлади, деганларидек, ҳозир рўйи-заминда инсон болалиридан ҳам кўп мажжудот борми? Инсон қадри унинг ададига тесқари боғлиқ. Лекин унда тангри ато этган ақл бор. Худди шу бебаҳо неъмат уни ҳар қандай фалокатлардан омон сақлаши мумкин. Гарб мамлакатларидан бирида ишлаб чиқарилган бир фильмда шундай лавҳа бор эди. Осмонлар бинонинг энг юқори қаватида, аллақандай компания миллионернинг ишчи ховаси. Унинг олдида инқирозга учраб синган, бутун дору-дунёси қоронғи дўсти ёрдам сўраб ялиниб-ёлвориб турибди. Миллионер унга нажот қўлини чўшидан бош тортади, дўсти бундай ҳаётдан ўлимни афзал кўриб, ўзини деравадан отади. Миллионер ходимларига «Марҳум дўстим хотирасига 15 сония сукут сақлашингларни сўрайман» дейди. 15 сония ўтар-ўтмас ҳеч нарса бўлмагандек ҳамма яна ўз ишига ўтар-ўтмас. Лекин бу пайтда 100 қаватли иморатнинг энг юқорисидан пастга қараб тушаётган дўсти ҳали ҳавода, ерга етиб улгурмаган ҳам эди.

Жамият тараққий топиб инсоният кинототи забт этаётган шу замонларда ҳам, инсон табиғатида баъзи ҳайвонларга хос, фақат ўзим бўлай деган худбинлик, биронинг ҳақиқа хибнат қилишлик, ўзидан кучисини туртиб четга чиқариб, ўз фароғатини кўзлаш ва бошқа шу каби баъзи хулқ-адворлар инсон яратилибдики, миллион йиллардан бери ўзгарисиз ҳолда давом этиб келмоқда. Эҳтимол, инсонга, эътиқодга қарши, бу дунёда қилинган ҳар бир хатти-ҳаракат учун охирагача ҳисоб-китоб беришга, саю ва жазага қорғилишига ишонч одамларнинг бундай номаълум табиатларини ўз ақл ва эътиқод даражаларига тилиб туришларига сабабчи бўлар.

Тараққийнинг бу даражада олға кетиши, ундан орада қолган инсон хулқ-адворини секин-аста сифат ўзгаришларга олиб келиши муқаррар. Комил инсоннинг табиғийлаш йўлида қандайдан-қачна буюк алломалар ўз ҳаётларини бахшида этдилар.

Майли, ўтмининг унуттишга ҳар қачна ҳаракат қилинмаса, сохта таъбирлар инглизмасини барбир халқ ўз тарихини, маънавий қадриятларини унутмайди, у бу эркин замонда елкаси ҳамон лаялақ бўлиб ётган тарозуданги улоқтирилган эътиқод ва имон тошларини қайта қўйиб паллаларни тенглаштирадди. Шундай қунлар келатгани, ҳаққимизнинг каттаю кичиги етмиш йилдан бери чанг босиб ётган бебаҳо китобларни оқидилар, ота-боболаримизнинг ҳикмати ўнгитилардан одоб-ахлоқ сабақларини оладилар ва уни янги замон, янги шароитда сайқаллаб қалбларига юк қилдилар.

Буок шонр Суфи Оллаёри айтдилар: **Илоҳий осийимиз бечорадуримиз, Ҳавон нафс ила авворадуримиз, Қўноқимиз бу кеча дунёи ҳеча, На ишлар кечадур биздин бу неча, Бу тунда тут бутун иймонимизни, Сабо кўтқар бу тундин жонимизни.** Абдурахмон ИБРОХИМОВ.

МОСКВА. Пойтахтдаги «Метод» илмий-техникавий кооператив Ватанимизда ҳам, чет элларда ҳам ухшашли йўқ «Новатор» эксперт системасини ишлаб чиқди. Мазкур компьютер дестуридан турли мақсадлардаги техник системаларни лойиқлаштириш ва ихтирочилик феолиятини автоматлаштиришда фойдаланилади. «Новатор» техник системаларнинг бир қанча курсаткичларини яхшилаш вазифаларини ҳал этиш, прототипга хос бўлган физик зиддиятларни инсон ишториксиз аниқ таърифлаш ва уларни бартаф эътиш кўллари билан белгилаш имконини беради.


БЕЗАРАР ДОРИ

РИГА. Латвиядаги «Силва» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳамда Ленинград ўрмон-техника академиясининг мутахассислари қора қарғай бағрлари экстрактидан яратган дори табиият ва инсон учун кавфли бўлган инсектицидларнинг ўрнини босади. Янги дори турли иқлим зоналаридаги очик ерда ва иссиқоналарда синиб кўрилганда ундан фойдаланиш қишлоқ хўжалик экинларининг шикастланишини 70—90 фоиз қамайтириши маълум бўлди. Бундай самарга эришиш учун мавсум давомида икки-уч марта ўсимликларга шу дори аралашмасидан пурқада.

САКСОВУЛДЕК БЕОР

ОЛМАОТА. Қозоғистонлик селекциячилар яратган саксовулнинг янги нави татто беор эрман ҳам қуриб қолдиган жойларда ўса олади. Қозоғистонлик селекциячилар бу янги нави саксовулни олиш учун Каспий ва Орол денгизлари ўртасидаги жойлар набототи вакилининг унлаб табиий навларидан фойдаланишди. Мутахассисларнинг фикрича, ўрмон-шукослар яратган янгилик қуриб бораётган Орол денгиз атрофидаги экология ҳалокати оқибатида чанг бўронлари ҳосил бўлаётган ерларни мустаҳкамлаш учун истиқболли воситадир.

«Бобурнома»нинг 460 йиллигига



УЛКАН БАЙРАМ

БУЮК мутафаккир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳонга машҳур қомусий асари — ўзбек мутафаккир билан наслрининг еркин намунаси «Бобурнома»нинг битилган гаига ҳам, мана 460 йил тўлди. Ҳа, Бобурнинг адабиётимиз ва маданиятимиз равангига кўпгина ҳиссаси беқеъ. Уни бутун жаҳонда буюк мутафаккир ва матрифатпарвар давлат арбоби сифатида улуғлашади, ҳориний мамлакатларда Бобур ва унинг сулоласи ҳақида битилган илмий тадқиқотлар оз эмас. Жумҳуриятимизда ҳам ҳуқуматимиз қарори билан «Бобурнома» ёзилганда 460 йил тўлиши муносабати билан катта тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Андижон ва Самарқанд шаҳарларига илмий-назарий анжуманлар бўлиб ўтди, мармар лавҳа очилди, тарихий обидалар зиёрат қилиниб, мактаб ва корхоналарда анжуман қатнашчилари бўлган йирик олимпиада билан учрашувлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда чет эллик йирик бобуршунос олимлар ҳам иштирок этишди. Бутун эса Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театрида улуг адиб, шонр ва олим Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари — «Бобурнома»нинг 460 йиллиги тўйи муносабати билан адабий кеча ўтказилиб, беш кунлик тантаналарга янги асалди.

Шаҳримизда ҳам ушбу тадбирга бағишлаб кўп ишлар қилинати. Жумладан, пойтахтимизнинг кириш қисмидаги Б. Хмельницкий кўчасига Бобур номи берилади. Шунингдек, 4-Қорасув даҳасидаги 121-мактаб ҳам бундан кейин Бобур номи билан аталади. Қуни кеча ушбу мактабда буюк адиб хайкали ва музейнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу музей ўтқир Ермухамедов ва Лутфулла Илҳомжонлар томонидан ташкил этилган бўлиб, унда 70 дан ортиқ экспонатлар намоиш қилинмоқда.

СУРАТЛАРДА: музей кўргазмалари билан танишув лаҳзалари акс эттирилган.



ЯНГИ ТОМОШАГОХ
Собир Раҳимов районидидаги Бобур маҳалласида янги томошагоҳ очилди. Қўмита раисининг ўрибосари А. Азимовнинг айтишича, бу маданият маркази «Бобурнома»нинг 460 йиллиги нишонлангани шарафига ҳашар йўли билан бунёд этилган. Эндиликда барча йигини ва тантаналар шу жумладан бобуршунос мушоираси шу жойда ўтказилади. Ш. САЪДИЕВ.



Ҳамшаҳарлар,
сизлар учун

ЯНА БИР ШИФО МАСКАНИ

ШАҲРИМИЗНИНГ энг катта даҳларидан бири бўлмиш Юнусобод даҳсида беш қаватли яна битта замонавий бино қад кўтарди. Бу бино инсон сўхат-саломатлигини сақлашдек хайрли мақсадага хизмат қилади.

— Биз 52 миңдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатамиз, — дейди 12-поликлиника бош шифокори С. Ҳ. Аҳмаджонова. — Биз узоқ йиллар мослаштирилган эски бинодо беморларга тиббий ёрдам кўрсатган эдик. Бу бино анча ноқулай эди. Мама энди янги, замонавий поликлиника элга хизмат кўрсатмоқда.

Ҳа, бу ерда шифокорлар учун ҳам, беморлар учун ҳам шароитлар яратилган. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси тиббий жамоанинг замонавий жиҳозлар харид қилиш бўйича илтимосини бажаришга ваъда берган.

— Беморлар поликлиникага келган, ҳар томонлама даволанишлари керак, бундай давони эса биз жиҳозларсиз уларга кўрсата олмаймиз. — дейди бош шифокор С. Аҳмаджонова.

Хуллас, Юнусобод даҳсига борган кишиларнинг диққатини бу ерда қад кўтарган яна бир муҳташам бино ўнгла тортмоқда. Бу бинонинг ва у ерда ишга ташланган кишиларнинг мақсади эзгу ва хайрлидир: ахир инсон саломатлигини сақлашдан ҳам ортиқ вазифа борми? Бунинг муҳирини Тўлқин Каримов тасвирга туширган даҳзалардан ҳам кўриш мумкин: поликлиника 2-терапия бўлимининг мудури Муборак Қурбонова беморни қабул қилмоқда; янги шифо масканининг кўриниши.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАЙТА ҚАЙД ҚИЛИНИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ТАШҚИ САВДО АЛОҚАЛАРИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА

корхона Низомни, тўдирилган қайд қилиш ва вақти, чет элга чиқариладиган ва чет элдан олинган моллар, хизматлар номенклатурасининг рўйхати, ташқи савдо контрактлари (асли), битимлар ва шартномалар, конкурент варақалари, ҳисобхона ҳисоб-китоблари (иқрим-чиқим нисбатлари)ни тақдим этиш, эълон қилинган даромад муҳлатини маълум қилиш, олинган кредитлар ва уларни узиш муҳлатлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, ташқи савдо муомаласи ҳажминини маълум қилиш зарур.

— ҲУҶЖАТЛАР ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ МОВАЙНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қайта қайд қилинмаган корхоналар Ўзбекистон ССЖ ҳудудидан ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Қайд қилиш ва қайта қайд қилиш масалалари юзасидан қуйидаги манзилда жойлашган Ўзбекистон ССЖ Ташқи савдо алоқалари давлат комитетининг комиссиясига мурожаат этилиши: 700017, Тошкент шаҳри, Ленин шўх-кўчаси, 15-уй, телефонлар: 34-65-54, 34-61-22.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ
8 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАВЕРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсларига Тошкент шаҳри, Тошкент областининг Калинин, Тошкент ва Оржоникидзе районларида яшовчи ўрта маълумотли ёшлар ва мактаб ўқувчилари қабул қилинади.

МАШГУЛОТЛАР МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЕТДАН КИРИШ ИМТИХОНЛАРИ ПРОГРАММАСИГА БИНОАН ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА УТҚАЗИЛАДИ.

ҲУҶЖАТЛАР 30 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш 2 ноябрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 8 ой (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда).

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ректор номига ариза, аттестат нусхаси ёки ўқиш жойидан справка, 3x4 см. ҳажмида 2 та фотосурат.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 32-уй, олий математика кафедраси.

МАЪРУЗАЧИЛАР УЎИ
2 ОЙЛИК КЛАССИК УҚАЛАШ КУРСЛАРИГА
НАВБАТДАГИ

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш тугагандан кейин инглиз тилида ялова варағи бўлган гувоҳнома берилади.


АБОНЕМЕНТЛАР СОТИЛМОҚДА.
Дастлабки йиғилиш — 30 октябрь соат 18.00 да ўтказилади.

Машгулотлар вақти соат 15 дан 18 гача ва 18 дан 21 гача.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси (аввалги Ўзбекистон ССЖ 50 йиллиги) 13-уй.
Маълумотлар олиш учун телефон: 44-60-39.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Хадра майдон)
3 — 11 НОЯБРЬ
КУНЛАРИ

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ



КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

икки бўлимдан иборат ранг-баранг дастур

ТОМОШАЛАР:

3 ноябрда	— 16, 19.00 да;
4 ноябрда	— 12, 15, 18.00 да;
5 ноябрда	— 13, 16.00, 19.30 да;
6 ноябрда	— 13, 16.00, 19.30 да;
7 ноябрда	— 12, 15, 18.00 да;
8 ноябрда	— 12, 15, 18.00 да;
9 ноябрда	— 13, 16.00, 19.30 да;
10 ноябрда	— 13, 16.00, 19.00 да;
11 ноябрда	— 12, 15.00, 18.00 да;

БОШЛАНАДИ:

Олдиндан БИЛЕТ СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда. БОЛАЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ТАЛАБНОМАЛАРИГА НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ХИЗМАТ КўРСАТИЛАДИ.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-04.

Цирк фойсисда сураткашлик салони ишлаб турибди.

АВТОКОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ШИРКАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«УЗИНФОРМТРАНССИСТЕМА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

«ДИЕР» ВИЛОЯТ ЕШЛАР МУАММОЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ ЯУНАЛИШЛАР БЎЙИЧА САЕХАТГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ЛЕНИНГРАДГА, 5 кунга, 14—18 ноябрь, 14—18 декабрь кунлари, Ваҳоси — 315 сўм (ётоқхона).
ОДЕССАГА, 5 кунга, 5—9 ноябрь кунлари, Ваҳоси — 330 сўм (меҳмонхона).
КИЕВГА, 5 кунга, 5—9 ноябрь, 14—18 декабрь, 1990 йил 29 декабрдан — 1991 йил 2 январгача.
МИНСККА, 5 кунга, 19—23 ноябрь, 24—28 декабрь кунлари, Ваҳоси — 305 сўм (меҳмонхона).
АЛУШТАГА, 10 кунга, 19—28 декабрь кунлари, Ваҳоси 410 сўм (пансионат).
МОСКВАГА, 5 кунга, 5—9 ноябрь, 22—26 ноябрь, 1990 йил 29 декабрдан 1991 йил 2 январгача, Ваҳоси — 300 сўм (меҳмонхона).
НАРВА — НИЭСУГА, даволаниш билан 14 кунга, 22 ноябрь, 5 декабрь кунлари, Ваҳоси — 450 сўм (пансионат).
ТВИЛИСИГА, 5 кунга, 14—18 декабрь кунлари, Ваҳоси — 290 сўм (меҳмонхона).
РНГАГА, 5 кунга, 19—23 ноябрь, 23—27 декабрь кунлари, Ваҳоси — 335 сўм (Юрмаладаги пансионат).
33-00-45, 33-01-45 (хизмат); 55-05-23 (уй) телефонлари орқали Хилдаде Галина Жанкуловичга қўнғироқ қилинсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

КАБЕЛЬ АЛОҚА ВА РАДИОЛАШТИРИШ ЛИНИЯЛАРИ ТРАССАЛАРИДАГИ МУҲОФАЗА МИНТАҚАЛАРИ ДОИРАСИДА ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ ҚОЙДАЛАРИНИНГ МАЖБУРИЙ ВА ҚАТЪИЙ БАЖАРИЛИШИГА ЭЪТИВОРИНГИЗНИ ҚАРАТАДИ.

АЛОҚА ВА РАДИОЛАШТИРИШ ЛИНИЯЛАРИНИНГ МУҲОФАЗА МИНТАҚАЛАРИДАГИ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШДА:

ишларни бажариш учун алоқа корхоналарининг ёзма ижозатномасини олиш ва телефон каналлашмаси ҳамда алоқа кабеллари шикастланишининг олдини олиш чораларини кўриш;

алоқа корхонасига иш олиб бориш муҳлатини маълум қилиш ва камда бир кеча-кундуз олдин вакилни иш жойига чақириш;

ер қазини ишларини олиб борадиган ходимларга Алоқа линияларини муҳофаза қилиш қондалари, ишларнинг бажарилиш шартлари ва кабеллар бўйлаб юкори кучланишдаги (400 в. гача) электр қуввати узатилишини назарда тутган ҳолда кишилар хавфсизлиги ва алоқа иншоотларининг бутлигини таъминлаш бўйича алоқа корхоналари вакиллари-нинг талабларини бажариш тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатиш шарт.

Алоқа ва радиолаштириш линияларининг рисоладагидек ишлашига пугур етказадиган ҳар қандай ҳаракатлар, ишлар ман этилади;

алоқа корхоналари билан олдиндан келишилган ҳолда қурувчилар томонидан алоқа ва радиолаштириш иншоотлари ва қурилмаларини олиб чиқиб кетмасдан туриб бинолар, кўприкларни бузиш ва таъмирлаш, коллекторлар ва кабель алоқа ётқирилган, ҳаво алоқа ва радиолаштириш линияларининг устунлари, кабель яшчилари ва тақсимлаш қўтчалари ўрнатилган бошқа иншоотларни қайта қуриш;

телефон каналлашмасининг кабель қудуқлари, тақсимот шкафлари ва кабель яшчиларининг эшиклари ва туйнуқларини очиш, шунингдек алоқа линияларига уланishi ман қилинади.

Алоқа линияларининг Муҳофаза қондалари талабларининг бажарилмаслигида, шунингдек бу линияларнинг рисоладагидай ишлашининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.



«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ СОАТ 10.00 ДАН 19.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ, ТАНАФУС СОАТ 14.00 ДАН 15.00 ГАЧА, ДАМ ОЛИШ КУНИ — ЯҚШАБ.

Телефонлар: 54-04-92, 54-26-52.

«ПЕНИ» АВТОПРИЦЕПНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

АВТОПРИЦЕП 125 САНТИМЕТР КУБДАН ЮҚОРИ КЛАССДАГИ БИР КИШИЛИК («Восход-3М», «ИЖ-Юпитер», «Ява») МОТОЦИКЛЛАРИ УЧУН МУЛЖАЛЛАНГАН.

Унинг ҳажми катта эмас: узунлиги тирковичи билан бирга—1,5 метр, эни 840 сантиметр, баландлиги соябони (қопқоғи) билан — 785 сантиметр, кузовининг ҳажми — 0,17 сантиметр куб.

«ПЕНИ» БОҒБОНЛАР ВА ПОЛИЗЧИЛАР, ОВЧИЛАР, БАЛИҚЧИЛАР ВА САЕХАТЧИЛАР УЧУН ЖУДА ҚўЛ КЕЛАДИ: У БИР ЙўЛГА 50 КИЛОГРАММДАН 80 КИЛОГРАММГАЧА ЮКНИ ТАШИБ БЕРИШГА ҚОДИР.

Ана шундай приципининг бўлса, сиз юк ташиш билан боғлиқ кўпгина муаммолардан қутуласиз.

Аммо бир нарса ёдингизда бўлсин, приципи камқўстсиз эксплуатация қилиш учун йўл ҳаракати қондаларига ҳамда ундан фойдаланишга доир қўлланмада баён этилган тавсияномаларга оғишмай амал қилишингиз керак.

«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ СОАТ 10.00 ДАН 19.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ, ТАНАФУС СОАТ 14.00 ДАН 15.00 ГАЧА, ДАМ ОЛИШ КУНИ — ЯҚШАБ.

Телефонлар: 54-04-92, 54-26-52.



«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР маданият вазирлиги

М. ҚОРИҚУВОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

30 октябрь соат 19.00 да

К. Отаниёзов номли Хоразм давлат филармониясининг солистлари ҚАҚСРда хизмат кўрсатган артист Каримбой РАҲМОНОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гаҳар МАТЕҚУБОВАларнинг

«КОНЦЕРТИ»

ПРОГРАММАДА: ўзбек, тоjik, туркман, қорақалпоқ, афгон ва ҳинд қўшиқ ва рақслари ижро этилади.

Программани — Мамасоли ХОЛМАТОВ олиб боради.

Билетлар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

6, 7, 8, 9 ноябрь соат 16.00 ва 19.30 да

«ҚИЗИҚЧИ — 90» кўрғинининг голиби, кулги устаси

ҲОҶИБОВ ТОҶИБОВ

ва

хушоов хонанда

АБДУРАУФ ОЛИМОВ

ижросида

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Телефонлар: 41-74-30, 45-92-13.

26, 27 ОКТЯБРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КОМАН ДОС» (катта зал, ўзбек тилида 11, 13.30, 16, 18.30, 21.00); «КОМАНДОС» (кичик зал, рус тилида 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайна — «СЕВИГ ТУРЛАРИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Москва — «ШАОЛИНЬ ЛАМАГА ҚАРШИ» (11, 13, 15, 17, 18, 20.40).

Восток — «ҲОНДОШ АКА УКАЛАР» (11, 13.30, 14, 16, 18, 20.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — БҲЯ СУНМАС МАРКИЗА» (11, 14, 17, 20.00).

Тошкент Советининг 30 йиллиги — «МАФИЯ НИНДЗЯГА ҚАРШИ» (тоқ соатларда).

К. Ерматов номли — «СЕВИГ АХРОМИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.00).

ТОШКЕНТ ОКНОНИ

(«Вечерний Ташкент») — ерган Ташкентнинг гоҳона компанияси Ўзбекистон ва ге. редиюга Советлар вазирлиги да. пугатди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наприётв. нинг Меҳнат Қизил Байроғи орденли бошқармаси Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. ТЕЛФОНЛАР: қабулхона — 32.53.78; хатлар — 35.20.70; 32.53.78; жамовчилар қабулхонаси — 32.55.83.

Ишланбадан ташқари ҳар кунини ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

140.380 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Д — 2201. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.